ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

ОБЛАСТИМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 103 (2651). | Чоршанба, 27 май 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Янгийўлдаги «Ленинизм» колхози нинг Ўрмонжон Охунов бошчилик қилаётган звено аъзолари бу йил ҳар гектар майдондан 750 центнердан қанд лавлаги ва 1.200 центнердан кўппол олиш учун қурашмоқдалар. Суратда: маккажўхори экилган майдонларда экинни суғориш ва ўғитлаш ишлари бир вақтда олиб борилаяпти.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПАХТА ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЕСКИН КЎПАЙТИРИШ УЧУН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА, ЎРТОҚ НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ ХРУШЧЕВГА

Азиз Никита Сергеевич! Биз, Хоразм области қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг тарихий қарорларини ва «Партиянинг қишлоқ хўжалигини интенсивлашга қаратилган йўлини амалга оширишга тааллуқли баъзи масалалар тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Президиумига Сизнинг ёзган хатингизни зўр шодлик билан маъқуллаймиз.

Партиянинг тарихий аҳамиятга эга бўлган мана шу жуда муҳим ҳужжатлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун янги имкониятларни топишимизга ёрдам берди.

Азиз Никита Сергеевич, Сизга ёзган бу хатимизда биз ўз ишимизни, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга донр планларимизни ва амалий вазифаларимизни ҳисоблаганда 16,6 тоннадан пахта етиштирилди, пахтанинг ҳар бир центнерини етиштиришга эса 4 одам куни баробарида меҳнат сарфланди. Ҳозир И. Юсупов бригадаси гектар бошига 60 центнер ҳосил олиш учун курашмоқда. Юзлаб комплекс механизация бригадалари, республикадаги донгдор механизаторлар Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ва Жавод Кўчневларнинг издошлари пахтадан мўл ҳосил олиш ҳаракатига қўшилдилар.

Азиз Никита Сергеевич! Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кўтаришни, бу тармоқларнинг ҳаммасини сермаҳсул ва рентабел тармоқларга айлантиришни ўз олдимизга яқин фурсатда бажариш лозим бўлган вазифа қилиб қўйдик. Бунга эришиш йўли Сизнинг хатингизда кўрсатилиб берилган. Бу — ихтисослаштириш йўлидир.

Ҳозир биз бу вазифани амалда бажармоқдамиз. Ихтисослаштирилган учта катта хўжаликда — бутун мамлакатга танилган «Коммунизм» колхозида, шунингдек «Янгиобод» колхозида ва «Хонка» совхозида нуқул шоли етиштиришга қарор қилдик. Бу тадбир шу йилнинг ўзидаёқ, мана шу энг қимматли озиқ-овқат экинни бўлган 1 миллион 675 минг пуд шоли етиштиришга ёки ўтган йилдагидан шолининг ялпи ҳосилини 2,2 баравар кўпайтиришга имкон беради.

Чорвачиликни ихтисослаштириш тадбирлари ҳам ўтказилмоқда. Тўрткўл ва Тахтакўпир яйловларида иккита катта қўйчилик хўжалиги ташкил қилинади. Қизил жар массивида гўштбоп чорва моллар боқилади. Колхозлар ичида сут-товар фермаларигина қолади.

Паррандачилик ҳам саноат асосига кўчирилади. Кўпчилиги зарар кўраётган мавжуд майда фермалар йилига атиги беш миллион дона тухум берар эди. Эндиликда эса областда йилига 25 миллион донадан кўпроқ тухум берадиган паррандачилик фабрикаси ташкил қилинмоқда. Паррандачилик фабрикаси парранда гўшти етиштиришни 10 баравар кўпайтиришга ҳам имкон беради.

Биз аминмизки, ихтисослаштириш қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини қисқа муддатда сермаҳсул ва рентабел тармоқларга айлантириш, боғдорчилик, полизчилик, пиллачилик сингари традицион тармоқларни ҳам ривожлантириш имкониятини беради.

Областнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз ишларида ҳозир бир мунча натижаларга эришдилар. Давлатга қорақўл тери ва тухум сотиш йиллик планлари муддатидан олдин бажарилди. Жун харид қилиш йиллик плани, сут ва гўшт сотиш ярим йиллик планлари май охиригача бажарилади.

Хоразм областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетини, СССР Министрлар Советини ва шахсан Сиз, азиз Никита Сергеевични ишонтириб шуни айтадиларки, улар Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари, бутун совет халқи билан биргаликда қишлоқ хўжалигини интенсивлаш программасини амалга ошириш учун ўз кучларини аямайдилар ҳамда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кескин кўпайтириш учун курашга янги ҳисса қўшадилар.

Бу хат Хоразм области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг жами юз минг пахтакор қатнашган йиғилишларида муҳокама этилиб қабул қилинди.

ТАШАББУСКОР МЕХАНИЗАТОР

Республика партия ва ҳукуматининг мурожаатидан илҳомланган Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозининг аъзолари ҳамма майдонларда чигитни текис ундириб олдилар. Шу кунларда колхознинг Ботир Фармонов бошлиқ бригада даласида ишлар намунали олиб борилмоқда. Тракторчи Жўрақул Майдонов бригадасининг 80 гектар еридаги ғўзасини яхши парвариш қилмоқда. Бу моҳир механизатор кунига 10—11 гектар ердаги ғўзани кундалангига культивация қиляпти.

Ўз касбининг устаси коммунист Жўрақул Майдонов ғўзага ишлов беришни сифатли ўтказаяпти.

— Бригадамиз бўйича ҳар гектардан камида 25 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдик, — дейди Ботир Фармонов. — Биз бу мажбуриятни бажариш билан республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйига муносиб тўёна тайёрлаган бўламиз.

Н. ИСМАТОВ.

АЛМАШИНАДИГАН САҲИФАЛАР

«Тошкент ҳақиқати» газетаси алмашиниб турадиган махсус саҳифаларининг навбатдаги сони чиқди. Газетанинг 3-бети икки хил нусхада босилди.

Саноат ходимларига мўлжалланган: «Етти йиллик объектлари жадал қурилсин» умумий сарлавҳаси остида берилган саҳифада штатсиз мухбиримиз П. Селезневнинг «Жонқуяр мастер», шунингдек мухбирларимиз Т. Мирҳодиев ва Ш. Умурзоқовларнинг «Заказчилар ва қурувчилар ҳамжиҳат ишласин», М. Умарова ва Ж. Носировларнинг «Қўли гул кишилар» сарлавҳали материаллари ва бошқа турли хабарларни ўқиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ходимларига мўлжалланган саҳифа областимиздаги ишлаб чиқариш бошқармаларида қишлоқ меҳнаткашларининг соғлигини сақлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шифокорлар, далада ишлаётганларга кўрсатилаётган медицина хизмати ҳақида ҳикоя қилинади.



МАДАЛИ ОТАНИНГ ЮРАК СЎЗЛАРИ

Ўртачирчиқлик кекса пахтакор Мадали ота Маниёзовнинг «Инсон меҳнат билан гўзал» сарлавҳали мақоласи колхозимиз меҳнаткашларини, жумладан бригадамиз деҳқонларини ғоят руҳлантириб юборди. Мадали ота асл деҳқонниқўнглидаги гапларни топиб гапирибди. Ҳақиқатан ҳам инсон меҳнат билан гўзал. Деҳқонининг қадр-қиммати, обрўси етиштирган «оқ олтин»и билан ўлчанади. 70 ёшга кирган Мадали ота «Гектар бошига 50 центнердан хирмон кўтарамиз» деб турганида унга нисбатан ёш бўлган пахтакорлар қўл қовуштириб ўтирмасалар яхши бўлмайди, албатта.

Бизнинг бригадамизда йил сайини пахтадан юқори ҳосил кўтариб келишаяпти. Ўтган йилни гектар бошига 31 центнердан «оқ олтин» кўтариш билан якунлаган эдик. Бу йилги аҳдимиз ҳосилдорликни яна камида бир-икки центнерга оширишдан иборат. 185 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз. Ҳозир ғўзаларимизнинг авжи чакки эмас. Деҳқонларимиз ҳар туп ғўзага меҳрларини сингдиришни учун астойдил ҳаракат қилишаяпти. Қатор оралариға комплекс ишлов беришни тугаллай деб қолдик. Ҳозирнинг ўзидаёқ иккинчи ишловга қизғин тайёргарлик кўраяпмиз.

Мадали отанинг кишини руҳлантирувчи чақириғига жавобан деҳқонларимиз дала ишларини бундан буён янада кучайтириб юборадилар. Бригадамиз аъзолари жонажон дёримизнинг 40 йиллик тўйига катта тўёна билан борадилар.

Абдували РАСУЛМАТОВ,
Оққўрғон. Войтинцев номли колхознинг бригада бошлиғи.

ЖУН ҚИРҚИШ ҚИЗҒИН

«Чаноқ» совхозининг азамат чорвадорлари республикамизнинг 40 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, мўл-мўл чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йўлида қувончли натижаларни қўлга киритаётирлар. Жун қирқишни уюшқоқлик билан бошлаган совхознинг меҳнатсевар чорвадорлари белгиланган ярим йиллик жун қирқиш давлат планини анча ошириб бажардилар. Ҳар бош қўйдан ўтган йилдагига қараганда 480 граммдан кўп жун олинди. 1250 бош қўйдан эса 500 килограмм ошиқча жун қирқилди.

Жун қирқишда совхоз бухгалтериясининг ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлашди. Улар ўзларига бириктирилган ҳамма қўйларнинг жунини тўрт кун ичида қирқиб бўлишди. Жун топшириш давом этяпти.

Қ. АҲМЕДОВ,
Бекобод.

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Ўзбекистон ССР ва Ўзкомпартиясининг 40 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кучайтириб юборган Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари областда биринчи бўлиб жун тайёрлаш планини бажардилар. Улар пландаги 15 минг килограмм жун топширдилар.

Колхознинг йўлдош Бўрташев, Айитбой Алибоев, Эргаш Қунустеков сингари илғор чўпонлари ҳар бош қўйдан 2 килограммдан жун қирқиб олишга муваффақ бўлдилар. Колхозда давлатга жун топшириш давом этмоқда.

Р. КЎЧАРОВ.

САММИЙ КУТИБ ОЛИШ

Н. С. ХРУШЧЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущчев ўз ҳамроҳлари билан бирга Бирлашган Араб Республикасига қилган сафаридан 25 майда Москвага қайтиб келди. Бирлашган Араб Республикасининг Президенти, Араб социалистик иттифоқининг раиси Жамол Абдил Носирнинг таклифига биноан, Совет ҳукуматининг бошлиғи дўстона жавоб визити билан Бирлашган Араб Республикасига борган эди.

Внуково аэродроми Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган эди.

Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, Л. Н. Ефремов, П. Н. Демичев, Д. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, А. Н. Шелепин ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Ф. Устинов, В. Э. Димшиц, М. А. Лесечко, П. Ф. Ломако, И. Т. Новиков, К. Н. Рудяев, Л. В. Смирнов, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Я. В. Пейве, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси К. Е. Ворошилов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Н. А. Муравьева, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, СССР ва иттифоқдош республикалар Олий Советларининг депутатлари, Москва партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, бир қанча министрликлар ва бошқармаларнинг масъул ходимлари самолёт келишидан анча илгари аэродромга келдилар.

Аэродромда Москва меҳнаткашларининг вакиллари, Совет Иттифоқидаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, журналистлар ҳам бор эди.

Бирлашган Араб Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили А. В. Х. Довуд Совет ҳукуматининг бошлиғини кутиб олди.

Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасига қилган сафарида ҳамроҳлари бўлган Озарбайжон ССР Министрлар Советининг раиси Э. Н. Алиханов, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Энергетика ва электрлаштириш давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси П. С. Непорожний, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко, «Правда» газетасининг бош редактори П. А. Сатюков, «Известия» газетасининг бош редактори А. И. Аджубей ва бошқалар ҳам Н. С. Хрущчев билан бирга келдилар.

Ҳаво лайнери «ИЛ-18» аэровокзал биноси ёнига келиб тўхтаганда, Никита Сергеевич Хрущчев самолётдан чиқди. Гулдурос қарсаклар бошланиб кетади. Никита Сергеевич табриклаб қўл силтайди, болалар Н. С. Хрущчевга ва Н. П. Хрущчевага гулдасталар тақдим этадилар. Н. С. Хрущчев ва унинг рафиқаси кутиб олувчилар — совет, партия ва давлат арбоблари билан саломлашиб кўришадилар. Яна қарсаклар бошланади, самимий табрик сўзлари айтилади.

Совет ҳукуматининг бошлиғи чет эл дипломатлари билан кўришиб чиқади.

Н. С. Хрушчев Москва меҳнаткашлари вакилларини олдига келганида, яна қарсаклар авж олади. Москва меҳнаткашларининг вакиллари гулдурос қарсак чалдилар. Никита Сергеевични Ватанга қайтиб келганлиги билан табриклайдилар.

Бирлашган Араб Республикасига қилган дўстона визитини тугаллаган Н. С. Хрушчевни кутиб олиш маросими ғоят самимий ва завқли бўлди. (ТАСС).

ЎРТАЧИРЧИҚЛИКЛАР, ВАҚТ ҒАНИМАТ

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли, «Ленин йўли», Полярная звезда», «Партия XXII съезди» колхозларининг кўпчилик бригадаларида ғўза парвариши кўнгилдагидай кетяпти. Кўчатлар бут, ғўза кун сайин кўкка бўй чўзяпти. Тошкент қишлоқ область партия комитети аъзолари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, олимлардан иборат текшириш комиссия аъзолари бу хўжаликларда бўлишди. Уердаги ишлар билан танишишди. Айниқса Ш. Раҳматов, Т. Маматов (Охунбобоев номли колхоз), Ш. Субонов, Ш. Ғафуров («Ленин йўли» колхози) ўртоқлар бошчилик қилаётган илғор бригадалар даласидаги ғўзаларнинг авжи комиссия аъзоларини қувонтирди.

Бироқ шу кеча-кундузда бирор дақиқа ҳам кечиктириб бўлмайдиган ишлар борки, улар тезлик билан амалга оширилмаса кейинча аттанг деб қолишга тўғри келади. Жумладан қатор хўжаликларда ғўзани ўт босиб кетяпти, парвариш, суғориш кечиктириб юборилаяпти.

«Коммунизм» колхозининг 6—7-бригадаларидаги ғўзалар чаңқоқ. Лекин сув чиқарадиган насослар ўз вақтида тузатилмаганлиги туфайли бу хўжаликнинг олтита бригадасига сув чиқмай ётипти. Шунингдек колхознинг тўртинчи бригадасида ғўза парвариши сифатсиз ўтяпти. 9-бригада даласида ишлаётган универсалчи кўчатларни пайхон қилиб кетяпти. Техниканинг ишчи органлари яхши созланмаган.

Бошқармадаги Ленин номли, Свердлов номли, Карл Маркс номли колхозларда ҳам ғўза чаңқатиб қўйилгани аниқланди. Маълумки, тажрибакор деҳқонларимиз бу баҳор серёмғир келди, ёмғир суви эса ер юзини қотириб, тупроқда шўр ҳосил бўлган, дейишаяпти. Уни оҳар сув билан ювиб ташлашни тавсия этишаяпти. Юқорида айтилган хўжаликларда ғўзаларни жонлантириб юборадиган ана шу биринчи сув беришга дуруст эътибор берилмаётган эди. Комиссия аъзолари карталарга тезлик билан сув тарашни тавсия этишди.

Бошқармадаги Терешкова номли колхознинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи бригадаларида универсаллар гуруллаб ишлаяпти. Лекин уларнинг иши яхши контроль қилинмаётгани туфайли қатор оралариии ишлашда айрим хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўндалангига ишлов бераётганда оралиқ 60 сантиметр қўйилаётган экан. Мутахассислар бунда кўп кўчат юбуд бўлишини эътиборга олиб оралиқни 40 сантиметр қолдиришни тавсия этишди. Ҳайдалган ернинг чуқурлиги эса камида 12—15 сантиметр бўлиши зарур деб топишди.

Хўжаликда минерал ўғитлардан қай аҳволда фойдаланилаётгани ҳам олимлар, мутахассислар эътиборидан четда қолмади.

Кўпчилик хўжаликларда минерал ўғитларни маҳаллий ўғит билан аралаштирмай ишлатилаётир. Айрим жойларда экин азотсиз фосфор билангина озиқлантирилаётгани аниқланди.

Биринчи парваришни озиқлантириш билан қўшиб олиб бориш — ғўзанинг ривожланишида катта омил ҳисобланади. Лекин Калинин номли колхозда бу ишга дуруст эътибор беришмаётир.

«Партия XXII съезди» колхозининг далаларида бу йил ғўзанинг ривожи чакки эмас. Лекин ҳамма гап ана шу бут кўчатларни соғлом сақлаб қолиш, уларни меҳр билан парваришлаб қилиб ҳосилга киритишда қолган.

Колхознинг 4-бригадасидаги ғўзаси сув талаб бўлиб ётипти. Бу ерда суғориш 22 майдан бошланган ҳолос. Лекин уста сувчилар қўйилмагани учун суғориш сифатсиз бўлипти. Айрим жой қўллатиб юборилса, баъзи ерга сув чиқмаган. Текширишда кўпгина камчиликлар аниқланди. Шу билан бирга уни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам берилди.

Ўрта Чирчиқлик пахтакорларнинг катта йиғини бўлди. Пахтакорлар ўз ишлари ҳақида айтилган танқидий мулоҳазаларга қўшилдилар ва бу камчиликларни тезда тугатиш чораларини белгиладилар.

Ф. УСМОНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СОВХОЗЛАР, КОНСЕРВА ВА ВИНОЧИЛИК САНОАТИ ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчиликни, картошка етиштиришни интенсив суратда ривожлантиришни таъминлаш ва бу ишда мавжуд резервлардан тўла фойдаланиш, шунингдек ишлаб чиқарилаётган консерва ва вино маҳсулотининг сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ихтисослаштирилган совхозлар, консерва ва виночилик саноати давлат ишлаб чиқариш комитети тузилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1964 йил 26 май. Тошкент шаҳри

ХИМИКЛАР ФОРУМИ

25 майда Тошкентда ноорганик моддалар ва минерал ўғитлар технологияси бўйича IV Бутуниттифоқ олий ўқув юртлараро конференция ўз ишини бошлади.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қисқача кириш нутқи билан конференцияни очди.

Ленсовет номидаги Ленинград технология институтининг профессори М. Е. Позин минерал ўғитлар технологияси проблемалари тўғрисида доклад қилди.

Конференция ишида мамлакатдаги олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ва муассасаларнинг энг йирик олимларидан 260 киши, республика фанлар академиялари ва саноат корхоналарининг вакиллари қатнашмоқда.

Химиклар форумининг қатнашчилари учинчи конференциядан кейин ўтган икки йил ичида минерал ўғитлар химияси соҳасида олиб борилган илмий ишларни якунлайдилар, халқ хўжалигини химиялаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажаришга қаратилган бундан кейинги тадқиқот ишларининг планларини белгилайдилар. Улар ўз мажлисларидан бирини Чирчиқдаги электрохимия комбинатида ўтказадилар. Бу мажлисда ишлаб чиқарувчилар — Ўзбекистон химия саноатининг мутахассислари илмий ахборот берадилар.

Конференцияни очишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Н. В. Мартынов ва Р. Н. Нишоновлар иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент шаҳар партия комитетининг III пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Қ. Муртазоев** Тошкент шаҳарини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партияси 40 йиллик байрамига тайёрлаш ҳамда уни янада ободонлаштириш тадбирлари ва шаҳар партия ташкилотининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

— Шу йилнинг октябрь ойида, —дейди докладчи,— Ўзбекистон меҳнаткашлари барча қардош совет халқлари билан биргаликда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйини байрам қиладилар. Биз бу шонли юбилейга партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари тарихий қарорларидан руҳланиб, сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги ғоят ўсган шароитда тайёрланмоқдамиз.

Ўзбек халқи Коммунистик партия раҳбарлигида ленинча миллий сиёсат туфайли чор Россиясининг мустамлака ўлкаси ҳисобланган Ўзбекистонни тарихий қисқа вақт ичида барқ уриб гуллаётган социалистик республикага айлантирди. Унинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди.

Илгари ҳатто оддий мих ҳам четдан олиб келинадиган ўлкада ҳозир саноатнинг юздан ортиқ тармоғи бор ва жаҳоннинг 58 мамлакатига ўз маҳсулотини етказиб бераётир.

Совет Ўзбекистони пойтахти Тошкент ҳам республикамиз каби камол топди, кенгайди, гўзаллашди ва замонамизнинг йирик саноат шаҳрига айланди.

Эндиликда Ўзбекистон пойтахти йирик сиёсий, Совет Шарқининг маъмурий, саноат ва маданий марказига айланди.

Сўнгги беш йилда шаҳарда 850 минг квадрат метрдан ортиқроқ уй-жой майдони, шу жумладан фақатгина ўтган йилнинг ўзида 300 минг квадрат метр турар-жой майдони фойдаланишга топширилди. Ҳашаматли бинолар, иншоотлар, ҳайкаллар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Шаҳарда Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ташсельмаш», Октябрь революцияси номли заводлар, «Главташкентстрой» ташкилотлари ишчилари ва хизматчилари ҳамда бошқа коллективларнинг ташаббуси билан шонли юбилейни муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. **Шаҳар бўйича шу йилнинг тўрт ойи ичида ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш давлат плани 104,1 процент бажарилди.** Социалистик мажбуриятлар ҳам муваффақиятли адо этилмоқда.

Лекин шунга қарамай, саноат, транспорт ва алоқа корхоналари ишида жиддий камчиликлар ҳам бор. 22 корхона, шу жумладан экскаватор, резина-техника, подшипник, 2-темир-бетон буюмлари заводлари, 5-ғишт заводлари бошқармаси ва бошқа корхоналар тўрт ойлик план топшириғини бажармадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шаҳарни ободонлаштириш ва капитал қурилишини янада кенгайтириш бўйича катта программа белгиладилар. Бу программа шаҳар партия ташкилотининг юбилейга тайёргарлик давридаги амалий фаолияти учун қатъий қўлланма бўлсин.

Шаҳар ва район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, барча бошланғич партия ташкилотлари ва бошқармалар ана шу тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашга бутун куч-ғайратларини сарфлашлари керак.

Шаҳар моддий-техника таъминотини яхшилаш юзасидан катта ёрдам беряпти. **Бу йил лимит бўйича 185,9 миллион сўм, 1963 йилдагига қараганда 14 процент кўп капитал маблағ ажратилди. Шаҳарни ободонлаштиришга 9 миллион сўмдан кўпроқ маблағ берилди. Бу ўтган йили ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағ миқдоридан 11 процент кўпдир.**

Бу йил биз, дейди докладчи, камида 300 минг квадрат метр уй-жой майдонини, 14 минг ўқувчига мўлжалланган мактабларни, 2.500 ўринлик мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини фойдаланишга топширишимиз, 23 километр магистраль водопровод, 16 километр канализация тармоқлари, 84 километр кўча газ қувурларини ётқизишимиз лозим. «Главташкентстрой» ва унинг ташкилотлари 93 миллион сўмлик, яъни ўтган йилдагига қараганда 17 миллион сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишларини бажариши керак.

Тошкент бинокорлари, сўзида давом этади ўртоқ Муртазоев, дуруст муваффақиятларга эришдилар. Капитал маблағларни ўзлаштириш ҳажми йилдан-йилга тез суръатлар билан ошмоқда, фойдаланишга топширилаётган объектларнинг сони кўпаймоқда, қурилишнинг индустриал методлари кенг жорий қилинаяпти, қурилиш-монтаж ишлари сифати анча яхшиланди. Бинокорларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли республикамиз пойтахти кўз ўнгимизда ўз қиёфасини ўзгартирмоқда, замонавий қурилишлар ва кўчалар, майдонлар, хиёбонларга эга бўлган гўзал шаҳарлардан бирига айланмоқда.

Аммо бинокорлар ишида катта камчиликлар ҳам бор. Қурилиш ташкилотлари давримиз талаблари даражасида ишламаётир, шаҳар партия комитети бюроси, район партия комитетлари ва «Главташкентстрой» қурилишга раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар.

Ўтган йили уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш бўйича йиллик план умуман бажарилганига қарамай, ана шу мақсад учун ажратилган капитал маблағдан 15 миллион сўм ўзлаштирилмай қолди. Бунинг натижасида шаҳар меҳнаткашлари 30 минг квадрат метр уй-жой ололмай қолдилар. 159, 4, «Таштрансспецстрой» трестлари ва умуман «Главташкентстрой» капитал қурилиш бўйича тўрт ойлик планни бажаришни барбод этдилар. Қатор ихтисослашган ташкилотлар ҳам давлат топшириқларини бажаришнинг уддасидан чиқолмадилар.

Кўпгина объектлар, айниқса юбилей объектлари қурилишининг аҳволи жиддий ташвиш туғдирмоқда. Масалан, панорамали кинотеатр қурилишида шу йилнинг тўрт ойи ичида 636 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиши керак эди, амалда эса 440 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Қурилишда белгиланган технологияга тўла амал қилинмаётир. Қурилиш сифати ҳам кўнгилдагидек эмас.

Марказий Универмаг қурилиши суръати ҳам талабга жавоб бермайди. Шу йилнинг 1 майигача бу ерда ўзлаштирилиши лозим бўлган 2 миллион 625 минг сўмдан фақат 1 миллион 509 минг сўм ўзлаштирилган, холос. Бунинг учун 159 ва 4-қурилиш трестлари раҳбарлари, шунингдек заказчилар — кинематография давлат комитети ҳамда республика савдо министрлиги раҳбарлари жавобгардирлар.

Ўртоқ Муртазоев қурилиш ташкилотлари ишидаги бошқа камчиликларни заказчилар ўз объектлари қурилишига бепарво муносабатда бўлаётганликларини кўрсатувчи мисоллар келтириб шуни таъкидлайдики, қурилиш партия ташкилотлари, район партия комитетлари, шаҳар ижроия комитети ҳар бир объектнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши устидан қаттиқ контроль ўрнатишлари, ташкилот қурилиши раҳбарларини давлат интизомига қатъий амал қилиш руҳида тарбиялашлари, топширилган ишга шахсий жавобгарликни оширишлари керак.

Тошкентда қурилиш кўлами жуда катта ва у йилдан-йилга, ойдан-ойга янада кенгаймоқда. Шу муносабат билан шаҳарда қурилиш ва ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган барча ишларга ягона штаб раҳбарлик қилиши керак. Шаҳар ижроия комитети, унинг архитектура-планировка бошқармаси шундай штаб бўлиши лозим. Аммо қурилиш ва ободонлаштириш ишлари устидан олиб борилаётган контроль давримиз талабларига жавоб бермаётир. Архитектура-планировка бошқармаси турли-туман институтларнинг жуда кўп лойиҳаларини бир-бирига боғлаш ва улар устидан контроль қилишни паст савияда олиб бораётир. Ваҳоланки, бундай лойиҳалаш институтларининг ҳар бири бино ва иншоотларнинг талабга жавоб бермайдиган ҳамда содда лойиҳаларини тузмоқдалар.

Катта-катта давлат маблағларини сарфлаш ҳуқуқига эга бўлган айрим министрлик ва бошқармалар раҳбарлари, корхоналар ва ташкилотлар директорлари архитекторлар ва инженерларнинг фикрига, ҳатто совет органлари маслаҳатларига ҳар доим ҳам қулоқ солмаётирлар. Масалан, электромеханика заводи Баранов кўчасидаги уй-жой массиви марказида ўзбошимчалик билан цех қураяпти. Ваҳоланки, шаҳар қурилиши плани бўйича бу ерда саноат корхоналари жойлаштирилмаслиги лозим. Шаҳар ижроия комитетининг қурилишни тўхтатиш ҳақидаги қарорлари инобатга олинмаётир. Ҳатто, цех қурилиши бутун чоралар билан тезлаштирилаяпти. Ўрта Осиё халқ хўжалик кенгаши радио ва электротехника саноати бошқармаси раҳбарларининг бу масалага муносабати тушунарли эмас. Улар шаҳар Советининг қарорини бажаришдан бош тортмоқдалар.

Бу аҳволга чидаб бўлмайди. Ўзбошимча қурувчиларга нисбатан энг қаттиқ чоралар кўрилиши, уларни моддий жавобгарликка тортиш, мансабларидан четлатиш керак. Бу ишда қаттиқ қўл бўлиш лозим. Чунки бундай кишилар халқ маблағини талон-торож қилувчилардир.

Тошкентда Ўрта Осиё совнархози, «Средазстрой», Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, «Узбекгидроэнергострой» тресты ва бошқа жуда кўп йирик ташкилотлар бор. Бу ташкилотлар реконструкция қилинаётган кўчалар ва уй-жой кварталларини комплекс қуришда шаҳарга катта амалий ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Масалан, «Узбекгидроэнергострой»ни олиб кўрайлик. У жуда бўлмаганда у ёки бу кўчани реконструкция қилиш, унда ҳашаматли уй-жой, маданий-маиший, савдо ва бошқа муассасалар биноларини қуриш, ободонлаштириш бўйича комплекс ишларни бажаришнинг уддасидан чиқолмайдими? Албатта, эплай олади. Бу билан шаҳримиз қиёфасини яхшилашга муносиб ҳисса қўшилган бўлур эди.

Қурилиш ишлаб чиқариши, айниқса шаҳарнинг марказий кўчаларидаги объектлар қурилиши маданиятини ҳар томонлама яхшилаш керак.

Докладда саноат, савдо, умумий овқатланиш корхоналари, ўқув юртлари корпусларини, уй-жой фонди, маъмурий бинолар ва бошқа барча иншоотларни техника томондан оқилона эксплуатация қилиш ва уларни яхши сақлаш масаласига катта эътибор берилди. Айрим корхоналар, ташкилотлар, мактаблар, олий ўқув юртлари, муассасалар коллективлари биноларни ва уй-жойларни доимо яхши ҳолда сақлаб, бу билан ўз шаҳрига нисбатан муҳаббатини ифодаламоқдалар. Шаҳарнинг озода ва тоза, обод бўлиши учун актив кураш олиб боришни ўзларининг жонажон ишлари деб билмоқдалар.

Аммо бахтга қарши бундай мисоллар кўп эмас. Кўпчилик раҳбарлар саноат корхоналари, уй-жойлар, маъмурий биноларни, ўқув юртлари корпусларини ва уларга туташган майдонларни ёмон аҳволда сақламоқдалар.

Шаҳар уй-жой фондини яхши сақлаш бўйича ҳар йили ажратиладиган маблағларнинг маълум қисми қатор районлар, уй-жой бошқармалари ва корхоналар томонидан ўзлаштирилмай қолаяпти. Фақатгина маҳаллий советлар йўли билан ҳар йили фойдаланилмай қолаётган бундай маблағлар 30—40 минг сўмни ташкил этмоқда. Октябрь ва Киров районларида худди шу аҳволни кўриш мумкин. Бу районларда уйларни жорий ремонт қилиш плансиз олиб борилмоқда.

Шаҳар ташқи қиёфасининг гўзал бўлиши кўп жиҳатдан кўчалар, парклар ва хиёбонларнинг кўринишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам уларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Шота Руставели, Муқимий, Высоковольтная, жануби-Ғарбий радиус сингари кенг кўча ва проспектлар, айланма йўлнинг биринчи навбати, Қатортол, Волгоград, Фарҳод, Ново-Московская ва бошқа кўчалар қурилди. Кўчанинг кўп қисмига асфальт ётқизилган. Янги парклар, хиёбонлар, майдонлар, скверлар ташкил этилди. Уларнинг ҳаммаси электр нури билан ёритилган, яшил либосга бурканган.

Ҳозирги вақтда ҳар йили бир ярим миллион квадрат метрга яқин кўча, тротуар ва майдонларга асфальт ётқизилмоқда. 3 мингдан ортиқ янги кўчага электр лампалари ўрнатилади. Ирригация тармоқларини реконструкция бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти. Канализация газопровод тармоқлари янгидан бунёд этилаяпти, шаҳар водопроводи тармоқлари кенгайяпти.

Бу йил шаҳарни ободонлаштириш бўйича катта ишлар қилиниши керак. Кўчалар ва тротуарлардаги ёритиш қурилмалари ва йўл белгилари ремонт қилиниши, ирригация тармоқлари тартибга келтирилиши, тўла ер ости коммуникациялари комплекси бўлган 20 километрга яқин йўл қурилиши керак. Карл Маркс кўчаси бўйича путепровод, Оқтепа, Заводская кўчасида кўприклар қуриш сингари йирик иншоотлар барпо этилади.

Сўнгги йилларда йўлларни сақлаш ва ремонт қилиш учун кўп миқдорда маблағ ажратилди. Бу маблағларнинг ҳаммаси сарфланди. Лекин ремонт ишлари сифатининг ёмонлиги натижасида йўллар кўп ўтмай яроқсиз ҳолга келмоқда, қайта ремонт талаб қилаётир. Канализация, водопровод, газ қувурлари, электр алоқа кабеллари ётқизиш учун ковланган кўчалар техник жиҳатдан қоннирсиз тикланаётир. Ҳозирги вақтда узунлиги 60 километр бўлган 40 та кўча ўйдим-чуқур бўлиб ётибди. Бунинг асосий айбдорлари «Узсантехгазмонтаж», «Таштрансспецстрой», шаҳар ремонт қурилиш тресты ва бошқа ташкилотлардир.

Кўчаларни шаҳар ижроия комитети рухсатисиз қазиш ман этилиши керак. Ер қазиш ишларини техника қоидаларига биноан бажариш устидан қатъий контроль ўрнатиш зарур. Қазиб ташланган кўчаларни асл ҳолига келтириш ишлари қатъий муддатларда бажарилиши лозим.

Лойиҳа ташкилотлари кўприклар қуриш, мавжуд кўприкларни, темир йўл ўтадиган йўлларни реконструкция қилиш лойиҳаларини ҳозирги замоннинг талабларига мос ҳолда ишлаб чиқишлари керак. Шаҳар ижроия комитети эса зарур куч ва моддий маблағларни ўз вақтида ажратиб бериши шарт. Ана шундагина шаҳар транспорти ҳаракатини нормал ҳолга келтириш мумкин.

Докладчи катта магистраллар ва кўчалар қуриш лойиҳаларини кичик ҳажмдаги архитектура объектларини жойлаштиришни назарда тутмаган ҳолда ишлаб чиқаётган «Ташгипрогор» ташкилоти раҳбарларини танқид қилди.

Тошкент шаҳридаги автомат телефонларнинг қарийб ярмиси ишламаётир. Телефон будкалари ифлос, кўримсиз, ойналари синган, кечалари ёритилмайди. Шаҳар телефон станцияси бошлиғи ўртоқ Комаров эса бунга мутлақо эътибор қилмаётир.

Шаҳар реклама хўжалигида тартибсизлик ҳукм сурмоқда. Ҳар қайси реклама ташкилоти ўзи хоҳлаганча ишлайверади. Бу муҳим ишни координациялаш билан ҳеч ким шуғулланмайди. Шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бошқармаси шаҳар бош архитектори ва у бошлиқ бадиий совет бундай тартибсизликларга муросасозлик қилиб келмоқда.

Докладчи шаҳарни кўкаламзорлаштириш масалаларини ҳам гапириб ўтди. Кўпгина корхона, муассаса, ўқув юртлари раҳбарлари бу муҳим ишдан четда турибдилар.

Шаҳримизга йилига минг-минглаб манзарали дарахтлар экилаётир. Лекин улар парвариш қилинмагани натижасида қуриб қолаётир.

Ирригация шохобчалари шаҳарни кўкаламзорлаштириш ва соғлиқни сақлаш ишида муҳим аҳамиятга эга. Ариқларда оқаётган сувларни ифлослантирувчи кишиларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш, уларни ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш вақти келди. Кўпгина ҳовлилар, кўчалар санитария талабларига жавоб бермайди. Баъзи ҳолларда кўча ва тротуарларга ахлат ташланмоқда. Шаҳардаги 75 минг уйнинг 39 мингида ахлат яшиклари йўқ. Кўп сонли кўча қоравуллари, супурувчилар ва «Горочистка» машиналаридан ёмон фойдаланилмоқда. Шаҳар ижроия комитети, унинг ободонлаштириш бошқармаси, район ижроия комитетлари мурожаатлар қабул қилиш билан кифояланиб, ташкилий ишлар билан шуғулланмаётир.

Нотиқ меҳнаткашларнинг турар-жойларида ғоявий-тарбиявий ишларни олиб бориш, бу соҳада идеология ишининг барча формаларидан фойдаланиш лозимлигини қайд қилиб ўтди.

— Тошкент меҳнаткашлари, барча коммунистлар, — деди сўзининг охирида ўртоқ Муртазоев, — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллик шонли юбилейини пойтахтнинг ободонлаштириш бўйича белгиланган барча тадбирларни бажариш билан кутиб оладилар ва бу билан коммунистик қурилиш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари **О. Соқиев** Тошкент «Черёмушка»сининг кундан кун ободонлашиб бораётганлиги, бунда район меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббуси муҳим роль ўйнаётганлиги ҳақида гапирди. Кейинги вақтларда ўтказилган якшанбаликларда 125 минг киши иштирок этиб, 150 минг дарахт кўчати ўтказди. Янги районнинг жамоатчилиги Чилонзорни шаҳарнинг энг кўркам жойига айлантириш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Ўртоқ Соқиев йирик панелли уй қурилишига майдон ҳозирлаш ишлари билан ёмон шуғулланаётгани учун шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш бошқармасини танқид қилди. Ана шу бошқарманинг айби билан кўпгина тайёр уй-жойлар ўз вақтида фойдаланишга топширилмаётир. Шаҳар ижроия комитети ходимлари кўчалар қуриш ва ремонт қилиш ишларида ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўймоқда. Йўл қурилиши механизмларидан фойдаланиш ёмон аҳволда. Нотиқ шаҳарни ободонлаштириш юзасидан районлараро мусобақа ташкил этишни таклиф қилди.

Октябрь район ижроия комитетининг раиси **С. Норқўзиев** шаҳарни ободонлаштиришда жамоатчиликнинг ташаббускорлиги катта куч эканлиги ҳақида гапириб берди. Ҳозир Октябрь район территориясидаги маҳаллаларда йўлларга асфальт ётқизиш, савдо, маданий-маиший объектлар қуриш ишлари авж олдириб юборилган. Бироқ баъзи бир қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишни жуда суст олиб бораётганликлари натижасида кўчалар ўйдим-чуқур бўлиб ётибди. Жумладан, районнинг минглаб меҳнаткашлари ва ўқувчилар Навоий кўчасида траншеялар қазиб беришганликларига қарамасдан ҳалигача уларга трубопроводлар ётқизилмаяпти. Шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бошқармаси ҳамда пудратчи ташкилотлар ишни кечиктириб юборишаяпти.

Тошкент ГРЭС қурилиши монтажчиси коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси **В. Хаханов** нурхона меҳнаткашларининг жонажон республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун олиб бораётган социалистик мусобақаси ҳақида гапириб берди. Бу ерда ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, саноат эстетикасини жорий қилиш ҳамда шу йўл билан корхона территориясини, унинг атрофларини ободонлаштириш учун жамоатчилик тез-тез якшанбаликлар ўтказиб турибди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси **Ҳ. Асомов** ўз нутқида капитал қурилиш ишлари ҳақида гапирди. У кўпгина қурилиш ташкилотларининг меҳнатда эришаётган катта ютуқлари ҳақида гапирди. Шу билан бир қаторда умуман олганда шаҳар бўйича капитал қурилиш ва турар-жой бинолари қуриш планининг бажарилмаганлигини қайд қилди. Ҳанузгача микрорайонларни комплекс равишда ишлаб чиқишга эришилгани йўқ. Маданий-маиший қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан ҳозирги вақтнинг талаби даражасида шуғулланилмаётир. Кўпгина объектлар хом-ҳатала фойдаланишга топширилаётир. Тошкент шаҳар ижроия комитети бу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирларини кўрмоқда.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводи ишлаб чиқаришга саноат эстетикасини жорий қилиш ташаббускорлари бўлдилар. Завод директори ўртоқ **Р. Тадулевич** коллективнинг шу соҳада олиб бораётган ишлари тўғрисида гапириб берди.

Республикамиз пойтахтини ободонлаштириш ва капитал қурилиш ишларини олиб бориш асосан 153, 4, «Узсантехгазмонтаж» трестлари зиммасига юкланган. 153-қурилиш тресты коллективи беш ойлик ишлаб чиқариш планини муваффақиятли бажариб, июнь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. «Узсантехгазмонтаж» ҳам топшириқларни вақтида бажараётир. Бироқ 4-қурилиш тресты орқада қолиб келмоқда. Кўпгина қурилиш ташкилотлари ишнинг сифатига етарли эътибор бермаяпти.

Пленумда сўзга чиққан 4-қурилиш трестининг бошқарувчиси **А. Пермяков,** «Узсантехгазмонтаж» тресты бошқарувчиси **Х. Мирхўжаев** ва 153-трест бошқарувчиси **М. Ҳамидов** ўртоқлар иш сифатини яхшилаш ва давлат планларини ўз вақтида бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

«Ташгипрогор» директори **О. Рушковский,** Автомобиль транспорти ва тош йўллар министри **И. Стельцов,** Киров район партия комитетининг биринчи секретари **А. Каприелов** ўртоқлар республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейига тайёргарликнинг бориши ҳақида сўзладилар.

Пленумда Москва шаҳарини безаш ишлари бош рассоми ўртоқ **М. Ладур** сўзлади.

Пленум Тошкент шаҳрини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллик тўйига муносиб тайёрлаш тадбирлари белгиланган қарор қабул қилди. Шунингдек, пленум шаҳар меҳнаткашлари номидан самарқандликларнинг шаҳарни ободонлаштириш, юбилейга яхши тайёргарлик кўриш юзасидан чақириғини қабул қилди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов,** Ўзбекистон КП Марказий Комитети Президиуми аъзолари **В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов,** Тошкент саноат область партия комитетининг биринчи секретари **П. В. Каймаков** ўртоқлар иштирок этдилар.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

АФРИКА ОЗОД БЎЛАДИ

АККРА, 25 май. (ТАСС). Африка озодлиги куни муносабати билан Гана ҳукмрон партиясининг эълон қилган баёнотида айтиладики, Африка озодлиги тарихий кунида конвент халқ партияси ватанимиз бўлган Африкани империализм, эски ва янги мустамлакачиликнинг нишанларидан қутқариш учун бутун қитъада озодлик учун тинмай кураш олиб бораётган барча курашчиларни табриклайди. «Озодлик учун олиб борилаётган шиддатли курашнинг — оқибат натижада бизнинг қитъамизда империализмнинг эски ва янги мустамлакачиликнинг ҳамма формаларини батамом тугатиш билан тугалланадиган чурашнинг ҳозирги босқичида» дейилади баёнотда, Гана ва Африкадаги бошқа мустақил давлатлар озодлик йўлида курашувчилар билан бир сафда турибдилар.

КОНАКРИ, 25 май. (ТАСС). Аддис-Абебадаги конференцияга бир йил тўлган кун Португалия Гвинеясининг озод қилинган районларида, шунингдек партизан отрядларида, Португалия мустамлакачилари ҳали ҳам контроллик қилаётган территорияларда Африка озодлиги куни қилиниб, кенг нишонланмоқда. Португалия Гвинеясининг ва Яшил Бурун оролларининг мустақиллиги учун кураш африкаликлар партиясининг бош секретари Амилкар Кабрал шу гапларни айтди.

У, ТАСС мухбири билан суҳбатда Аддис-Абеба конференциясининг Африка қитъаси тарихидаги жуда катта ролини таъкидлади. Амилкар Кабрал айтдики, конференцияда тузилган Африка бирлиги ташкилоти «Африкани империалистлар асоратидан жадал қутқаришнинг ва халқларимиз тараққиёт йўлида ҳаракат қилишининг самарали воситасидир».

ЯПОНИЯ МОСКВА ШАРТНОМАСИНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

ТОКИО, 25 май. (ТАСС). Бугун Япония парламентининг юқори палатаси атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартномани маъқуллади. Япония парламентининг қуйи палатаси бу шартномани олдин маъқуллаган эди.

Япония Коммунистик партиясининг вакиллари Сандзо Носака, Масао Ивама ва Горо Судоларгина шартномага қарши чиқдилар. Коммунист депутат Итидзо Судзуки шартномани маъқуллаб овоз берди.

Шундай қилиб, Япония парламенти Москва Шартномасини ратификация қилди.

400 МИНГДАН ОРТИҚ ИШСИЗ БОР

ЛОНДОН, 25 май. (ТАСС). Меҳнат министрлигининг бугун эълон қилинган расмий статистика маълумотларига қараганда, Англияда 13 майгача ишсизлар сони 403.524 кишига етган. Шимолий Ирландияда ишсизлар айниқса кўп. Бу ерда 34.400 киши ёки меҳнаткашларнинг 7 проценти ишсиздир.

САМИМИЙ ИСТАКЛАР

ҚОҲИРА, 25 май. (ТАСС). «Алжумҳурия» газетаси бундай деб ёзади: «Қоҳира бугун Н. С. Хрушчевни ўз ватанига узатиб қолар экан, унинг Бирлашган Араб Республикаси сафари вақтидагидек энг самимий истаклари ва қизғин саломларини йўллайди».

Тинч-тотув яшаш, мустамлакачиликни тугатиш принциплари, деб яна ёзади газета, совет халқининг дўстлиги учун асосдир. Совет халқи худди шу асосда бизнинг дўстлигимизга, сазовор бўлди, биз эса унинг дўстлигига сазовор бўлдик. Н. С. Хрушчевнинг визити ўзининг ички тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилган, лекин ҳамма учун озодлик ва тинчликдан иборат умумий мақсадларни кўзда тутган давлатларнинг яқинлашуви учун ана шу дўстлик асос бўлиши лозимлигини тасдиқлади.

Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасига қилган сафари вақтида биз-бир-биримизнинг фикримизни яхшироқ англашга шубҳасиз муваффақ бўлдик. Ана шу ҳамжиҳатлик бошқалар учун ҳам ўрнак бўлиб қолишини истаймиз. Бошқа мамлакатлар Совет Иттифоқининг йўлидан борганларида, жаҳонда кескинлик сабаблари аллақачон бартараф қилинган бўлур эди.

«Алжумҳурия» газетаси «Дўстимиз, яна дийдор кўришгунча!» сарлавҳали бошқа бир мақоласида қуйидагиларни ёзади: Ўзимизга нисбатан бўлган адолатсизликни унутмаганимиз каби, яхши ният билан қилинган ишларни ҳам эсдан чиқармаймиз. Ғарб мамлакатлари ўзлари учун ҳалокатли бўлган қўпол хатоларни қилган пайтда, совет халқи ва Совет ҳукумати жуда қисқа йўл билан бизнинг қалбимиздан жой олди. Н. С. Хрушчев бизнинг орамизда бўлган кунлар унинг Бирлашган Араб Республикаси халқини янада яхши билиб олишига имкон берди. Бизнинг дўстлигимиз эндиликда янада мустаҳкамроқ асосга таянади.

Содиқ дўстимиз, самимий иттифоқчимиз, азиз меҳмонимиз, дийдор кўришгунча хайр. Бизнинг халқимиз Сизни севади, мамлакатингиз қилаётган ишлари учун Сизни ҳурмат қиламиз, деб ёзади «Алжумҳурия» газетаси мақоланинг охирида.

СТАДИОНДАГИ ФОЖИА

НЬЮ-ЙОРК, 25 май. (ТАСС). Кеча Лимада Перу ва Аргентина терма командалари ўртасида ўтказилган футбол матчи фожиали оқибат билан тамом бўлди. Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Лимадан берган хабарида айтилишича, Перу пойтахтининг шаҳар марказида жойлашган энг катта стадиондаги матч вақтида 350 томошабин ўлдирилган ва 500 киши ярадор қилинган.

Стадионда юз берган бу фожиали ҳолатга уругвайлик судьянинг қарори сабаб бўлган. Матч тамом бўлишига олти минут қолганида, судья Аргентина командаси дарвозасига киритилган тўпни ҳисоб қилмаган. Шу пайтгача Аргентина командаси 1:0 ҳисоби билан ютган эди. Перу командасининг ўйинчилари судьянинг ана шу қарорига норозилик билдирмадилар, дейиш мумкин. Аммо, футбол ишқибозлари бунга бошқача баҳо бердилар. Томошабинлардан бири майдонга чиқиб, судья билан баҳслаша бошлади. Шундан кейин майдонга бутилка ва тошлар ирғитилди.

Ўйиннинг охиригача беш минут қолганида, судья матчни тўхтатди ва полиция эскорти ҳимоясида майдондан қочиб қутулди. Томошабинлар қўлларига нима тўғри келса, шуни судьяга ирғитар эдилар. Ҳар иккала команданинг ўйинчилари ҳам майдондан омон-эсон чиқиб кета олдилар. Дарғазаб бўлган ишқибозлар ғовларни синдириб, майдонга чопдилар. Полиция уларни тўхтатиш учун кўздан ёш оқизадиган газдан фойдаланди ва итларни ишга солди. Стадионда ола-ғовур бошланиб кетди. Неча минглаб кишилар дарвозаларга ташландилар. Лекин бу дарвозаларнинг кўпи ёпиқ эди. Дарвозалар олдида одамларнинг бир-бирларини қисувлари натижасида неча юзлаб киши ҳалок бўлди. Матчдан кейин санитария ва полиция машиналари бир неча соат мобайнида ўлик ва ярадорларни стадиондан олиб чиқиб кетдилар.

Кеча кечқурун Перу пойтахтида президент Белаунде Терри фожианинг сабабларини текшириш учун конституцион гарантияларни 30 кунга бекор қилганлиги ҳаммага маълум қилинди. Конституцион гарантияларнинг бекор қилиниши полицияга ўзи истаган ҳар бир уйга кириб, ҳар бир кишини ордерсиз қамоққа олиш ҳуқуқини беради.

БУГУН — АФҒОН ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ЖАНУБДАГИ ҚЎШНИМИЗ

Афғон халқи бундан 45 йил муқаддам, инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борилган миллий-озодлик кураши натижасида 1919 йил 27 майда ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Афғонистон деярли юз йиллар давомида Эрон, Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги йирик феодал давлатлар ўртасида шиддатли кураш майдони бўлиб келди. XVI асрда мамлакатнинг ғарбий қисмини эронликлар, шарқий қисмини эса Буюк Мўғуллар давлати босиб олган эдилар. Афғон қабилалари чет эл зулмига қарши бир неча марта исён кўтардилар. 1747 йилга келиб афғонлар эрон босқинчиларини мамлакатдан ҳайдаб чиқардилар ва мустақил афғон давлатини барпо қилдилар. Бироқ, бу давлат нафасини ростлаб олмасданоқ Шарқ халқларининг ёвуз душмани бўлган инглиз империалистларининг ҳужумига дучор бўлди.

Афғон халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун инглиз мустамлакачиларига қарши уч марта қаттиқ уруш олиб борди. 1838-1842 йиллардаги биринчи инглиз-афғон уруши инглиз босқинчиларининг зўр мағлубияти билан тамомланди. 1878-1880 йилларда бўлган иккинчи урушда ҳам инглизлар мағлубиятга учради. Лекин шунга қарамай, улар Афғонистонга экономика жиҳатдан таъсир ўтказиш билан бирга, Қобул амирларининг ташқи сиёсатини ҳам назорат қила бошладилар. Тез орада Афғонистон Англиянинг ярим мустамлакасига айланиб қолади. 1893 йилда Буюк Британия Афғонистон билан ҳинд-афғон чегараси ҳақидаги битимни имзолади. «Дюранд чизиғи» номи билан машҳур бўлган бу битимга кўра, афғон қабилаларининг кўп ерлари Англиянинг Ҳиндистондаги мулкига қўшиб олинди.

Афғонистон халқи мустамлака зулмига қарши узоқ ва мардона курашди. Бу кураш айниқса Октябрь социалистик революциясининг таъсирида янада кучайди. 1919 йилда Афғонистон мустақил давлат деб эълон қилинди. Бунга жавобан инглиз босқинчилари афғон халқига қарши учинчи марта уруш бошлади. Бу урушда ҳам жасур афғон халқи инглизларни мағлубиятга учратди. Шундан кейингина Англия давлати Афғонистон билан яраш битими тузишга ва унинг мустақиллигини эътироф этишга мажбур бўлди. Шу тариқа Афғонистон мустақил давлатлар қаторидан ўрин олди.

Афғонистоннинг мустақиллигини биринчи бўлиб таниган ва у билан дипломатик муносабатлар ўрнатган давлат В. И. Ленин бошлиқ ёш Совет давлати бўлди. Афғонистон амири Омонуллахон Ленин номига юборган ўз мактубида Россия билан дўстлик муносабатларини ўрнатиш истагини билдирган эди. В. И. Ленин амирга ёзган жавоб хатида Совет ҳокимияти Афғонистон билан дипломатик алоқа ўрнатибгина қолмай, унга қўлидан келганича ёрдам беради, деди. В. И. Лениннинг афғон халқининг ўз мустақиллиги учун, империализмга қарши олиб бораётган курашига нисбатан ҳурмат билан тўлиб-тошган жавоб мактуби Афғонистон учун ўша вақтда шимолдаги қўшнисидан олган катта маънавий ёрдам бўлди.

Афғон халқи ва ҳукумати мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб мустамлакачилар ҳукмронлиги йилларидан қолган оғир мусибатларни тугатишга киришдилар. Қисқа муддат ичида мамлакатда миллий экономика анча кўтарилди, янги корхоналар, маданий ва медицина муассасаларининг сони ошди, йўллар ва алоқа воситалари яхшиланди. Маорифни ривожлантириш соҳасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди.

Совет Иттифоқи жанубдаги қўшнимиз — дўст Афғонистон давлатига миллий экономика ва маданиятни тараққий эттиришда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. СССРнинг беғараз ва самимий кўмаги билан Афғонистонда йирик авторемонт заводи, нон комбинати, асфальт-бетон заводи, Пули-Хумридаги 9 минг киловатт қувватга эга бўлган ГЭС, Қобул аэропорти ва бошқа иншоотлар қад кўтарди.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг моддий техника ёрдами билан Афғонистонда йирик Наглу электростанцияси, Жалолобод канали, Қобулда уй-жой қурилиши, умумий узунлиги 1300 километр бўлган автомобиль йўллари ва бошқа қурилиш ишлари олиб борилаяпти. Яқинда Москвада атом установкасини қуришда Афғонистонга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Совет давлати атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ишлайдиган мутахассислар тайёрлашда ҳам ёрдам беради.

Ҳозирда афғон халқи халқ хўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи беш йиллик (1962—1967) планини муваффақият билан амалга оширмоқда. Бу планни бажаришда ҳам Совет Иттифоқи Афғонистонга катта ёрдам кўрсатаётир.

СССР билан Афғонистон ўртасидаги маданий алоқалар ҳам кенг қулоч ёймоқда. 1964 йил 21 январда Москвада ҳар икки мамлакат ўртасида янги битим имзоланди. Бунда шу йил учун мўлжалланган маданий ҳамкорлик плани баён этилган.

Л. И. Брежневнинг Афғонистонга ўтган йили октябрь ойида қилган сафари иккала мамлакат ўртасида мавжуд бўлган дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам берди, бутун дунёда тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш йўлида СССР билан Афғонистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очди.

Афғонистон ҳукумати ўз ташқи сиёсатида бетарафлик, ҳарбий группировкаларда қатнашмаслик бошқа мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш йўлини тутмоқда. Атмосферада, космосда ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасига Афғонистон биринчилар қатори қўшилди.

СССР билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик муносабатларининг ривожланишига республикамиз ҳам катта ҳисса қўшаётир. Совет Ўзбекистони бу мамлакатда саноат корхоналарини лойиҳалаш ва қуришда, миллий кадрлар тайёрлашда ва бошқа соҳаларда кўмаклашмоқда. 1963 йил ноябрида Афғонистон дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятининг Ўзбекистон бўлими тузилди. Бу янги жамоат ташкилоти ўз фаолияти билан Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлайди.

Миллий байрам кунида барча совет кишилари афғон халқини самимий табриклайдилар ва унга миллий тараққиёт йўлида катта муваффақиятлар тилайдилар.

Т. ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг илмий ходими.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ОБЪЕКТЛАРИ ЖАДАЛ ҚУРИЛСИН!

Жонкуяр мастер

Ботиб бораётган қуёшнинг заррин нурлари дарахтлар учларида, бинолар томларида жилваланади. Мирвали костюмини ўнг қўлига олди-да, соатига қаради. Қизил-Тўқимачи станциясидан келаётган вагонлардаги юкни электр чироқларида туширар эканмиз-да, ўйлади у.

Диспетчер Надежда Лазарева бошчилигидаги юкчилар тиним билишмайди. Пешма-пеш юклар келиб тушаверади. Смена охирида яна уч вагон пахтани тушириб олиш керак. Мирвали тажанг бўлмади. Бунга у ўрганиб қолган. Керак бўлганидан кейин қабул қилиб оламиз-да, деди ўзича ва юкчилар томон йўл олди.

— Ҳамма йиғилганми?— мастер кишиларга бир-бир кўз югуртириб чиқди.

— Тайёрмиз. Аммо чироқсиз қандай бўларкин?

— Ғам еманглар, ҳаммасини ҳозир қиламиз.

Мирвали омборхонадан зум ўтмай учта кўчма лампа олиб чиқди. Демак энди ишга киришса ҳам бўлади. Ишчилар майдонларни тартибга келтира бошлашди. Кўп ўтмай вагонлар ҳам етиб келди.

Вагонлар эшигидаги пломбалар бузилди. Ичкарида прессланган пахта тойларн қалашиб ётибди.

— Юк ортаётганда уни туширишни ҳам ўйлашганмикин?— хуноб бўлади юкчилар бригадаси бошлиғи Борис Рассохин.

— Дўстим, уни механизация билан ортишган,— деди Мирвали ва ердаги ломни олиб вагон эшигига тиқилиб турган биринчи той пахтани туширишга ёрдамлашди.

Юкчилар тележкаларда пахта тойларини пешма-пеш ташиб олиша бошлади. Чироқлар ёниб турибди. Мастер бош-қош. Ҳамманинг ғайрати жўш уряяпти. Меҳнат кўтаринкилиги зўр. Бир-бирларига ёрдам беришаяпти, оғир юкларни кўплашиб туширишаяпти, улар.

Мастер Мирвали Миралиев операцияларни кузатиб турибди.

— Илгакни нотўғри ушлаяпсан,— дейди у юкчига,— беш бармоғинг билан сиқиб ушла.— Сўнг ўзи ускунадан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берди. Вагонлар бўшади. Охирги пахта тойи ҳам манзилга етказиб қўйилгач мастер чироқларни ўчирди...

Мирвали Тошкент транспорт инженерлари институтини битиргач, бир неча йил магистраль тепловозида тажрибасини оширди. Бу ерда ҳаракат ва юк хизматида ҳам ишлади. Транспортчилар ҳаётининг ипидан-игнасигача пухта ўрганиб олди. Кўпгина масалаларга ҳаётий ёндошиб, уларни мустақил ҳал қила бошлади. Бир ярим йил ичида у катта коллектив хурматини қозона олди. Меҳнатсеварлиги, самимийлиги, уддабурролиги, талабчанлиги учун юкчилар уни севиб қолишди.

Дастлабки кунларда қизиқ бир воқеа юз берди. Диспетчер Надежда Алексеевна Лазарева ўз ихтиёри билан қолоқ сменага ўтгач, ишга янги келган Мирвалини ҳам унга мастер қилиб бириктиришди.

— Нима қилаяпсизлар? — деди шунда Н. Лазарева бош инженер Пётр Егорович Баталовга арз қилиб, — ишнинг кўзини биладиган, тажрибалироқ мастерлар йўқми менга. Смена қолоқ бўлса, бунинг устига мастер ҳам ёш.

— Чўчиманг, у йигит ёш бўлса ҳам кўпчиликка бош бўлаолади. Синаб кўринг, балки ёқиб қолар, — юпатди бош инженер.

Орадан кўп ўтмади. Мирвали Пётр Егорович айтгандек, қобилиятли йигит экан, меҳнатда ўзини кўрсатди. Н. Лазаревага ҳам ёқиб қолди, ундан хурсанд. Биринчи кунлари қабул қилишга унамовди, энди мастерни қўлдан чиқармасликка тиришди. Лекин маъмурият М. Мирвалиевни бошқа, масъулиятлироқ участкага ишга тавсия қилди. Уни биринчи темирйўл хўжалигининг ҳаракат ва юк ташиш бўлимига бошлиқ қилиб тайинлашди. Мана, энди тўрт сменага кўз-қулоқ бўлиш керак. ҳурмати яна ҳам ортди, масъулият яна ҳам кучайди.

Мастер Мирвали Миралиев қийинчиликлардан чўчийдиган йигитлардан эмас. Уларни енгиш йўлларини билади энди. Ҳаёт сўқмоқларини босиб ўтди, малакаси ошди. Мастер доимо коллектив ичида, унга таянади. Жонкуяр инженер кишилар қалбига йўл топаяпти, ишнинг муваффақияти учун тинмай курашаяпти.

П. СЕЛЕЗНОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



КЎРКАМ БИНОЛАР

Шаҳримиз кундан-кунга гуллаб яшнаяпти. Қурилаётган ҳар бир бино пойтахт ҳуснига-ҳусн қўшмоқда.

Шу кунларда Луначарский массиви бўйлаб юрар экансиз ажойиб манзаралар шоҳиди бўласиз. Кечаги кулбалар ўрнида бугун баҳаво, кўп қаватли бинолар қад кўтармоқда. 4-қурилиш трестининг 18-қурилиш бошқармаси бинокорлари айниқса, ғайрат билан ишлашаяпти.

Юрий Артамов бошлиқ бригада аъзолари барчага ўрнак. Улар қўлидан чиқаётган ҳашаматли бинолар кишининг ҳавасини келтиради. Гишт терувчилардан Исмоил Қодиров, Борис Слезнов, Валя Бровалар смена нормаларини доимо ортиғи билан адо этишяпти.

Бошқарма бинокорлари тураржой бинолари билан бир қаторда массивда янги меҳмонхона қурилишини ҳам жадал олиб боришмоқда. Қурувчилар уни республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйига тўёна қилишмоқчи.

Х. ҲАЙДАРОВ.

ЧЎЛ ҚУВАРЛАР УЧУН

Янгиердаги Ю. Гагарин номли 5-совхоз пахтакорлари бўйлаб узоқ-узоқларга темир-бетон тарновлари таралган. Бақувват устунлар уларни кўтариб турибди. Каналдан насослар ёрдамида чиқарилган сув секундига 400 литр миқдорида тарновлар бўйлаб қирқадрларга томон оқади.

Тарновлар ёрдамида суғориш усули йўлга қўйилгандан бери сув исрофгарчилигига чек қўйилиб, сувчининг меҳнат унумдорлиги бир неча марта ошди. Эски усулда ҳар бир сувчи кунига 4 гектар ердаги ғўзани суғорган бўлса, эндиликда у 10—12 гектар ерни суғора олади.

Бекобод темир-бетон буюмлари заводида тарновлар ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб бормоқда. 1960 йили 4 минг 353 дона тарнов тайёрланган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам 54 минг 271 донага етди.

Шу кунларда корхона цехларида меҳнат авжида. Феденкин, Мазипов, Лешченко ўртоқлар бошлиқ пешқадам бригадалар ишчилари республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, зимма-ларидаги мажбуриятларини ортиғи билан бажармоқдалар.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ.

КАТТА ХИМИЯ ОБЪЕКТЛАРИДА

ҚЎЛИ ГУЛ КИШИЛАР

РЕПОРТАЖ

□ □ □

Олис-олислардан одимлаб келган темир йўл изларн ҳам шу бинога туташган, қурилиш материаллари ортган машиналар ҳам шу томонга елади. Тўрт-беш йил ҳеч ким тинним билмади. Агрегатлар гувиллади, бинокорлар, монтажчилар ғайрати тўлиб-тошди. Анатолий Васильевич шу қаҳрамонлик кунларга гувоҳ. Унинг кўз ўнгида наддини ростлади бу цех. Биринчи ғиштни ҳам ўзи қўйишди, ускуналарни ўрнатишда ҳам бошқош бўлди у. Мана энди ўз меҳнати самараларини кўриб кўзлари кувоналяпти, дили яйраяпти. Корхона ҳовлиси ўртасидан кесиб ўтган асфальт йўлканинг ўнг томонида осмон ўпар улкан бино қад кўтариб турибди.

Цех ҳозир ишга тушиш арафасида. Участкаларда энг сўнгги ишлар олиб бориляпти. Бинокорлар, монтажчилар учун ҳар бир соат ғанимат. Бўш ўтирган киши йўқ, ҳамма ўз иши билан банд. Чор атрофда иш жадал. Анатолий Васильевични ҳам ўз хонасида учрата олмайсиз. Қаватма-қават елиб-югуриб юрибди. Комиссия аъзолари билан тайёр бўлган участкаларни қабул қилаяпти, кишиларга кўрсатмалар бераяпти, монтажчи-слесарлар ишини назоратяпти. Қўш қанотли дарвозадан ичкарига кирамиз.

— Омборхонамиз бу ер, — дейди цех бошлиғи «Оёғимиз остн текис асфальтланган. Машина бемалол кириб чиқа олади. Шифтда кўприк крани. Ёнимизда буюмлар, улар тайёр, аммо ҳали бўш.

Иккинчи каналда пигментлар ҳосил қилинади. Уларнинг ранги ҳар хил: оқ, сариқ, кўк... Майдалиги цементдан фарқ қилмайди. Истаган рангдаги пигмент суюқ ойнага қорилади-да, бинонинг ичи ҳам, ташқариси ҳам сувалаверади. БУ БУЁҚЛАРНИНГ УМРИ УЗОҚ: 25—50 ЙИЛГАЧА УЗ ҲОЛАТИНИ ЙЎҚОТМАЙДИ. ҲИЁЛ РАНГИ ХИРАЛАШСА СУВ БИЛАН ЮВСАНГИЗ БАС, ЯНА ЯРАҚЛАЙ-ВЕРАДИ.

Ҳа, эртага шундай манзара гавдаланади кўз ўнгимизда. Республикамиз ўз силикат бўёқларига эга бўлади. Бинокорлар иши сифати яна ҳам яхшиланади, улар қўлидан чиққан шинам квартиралар янада кўркли бўлади. Бугун-чи? Бугун ҳамма шу эртани яқинлаштириш учун ғайрат қилмоқда. 93-трестга қарашли ихтисослашган 557-УНР, «Союзтепломонтаж», «Промтехвентиляция» бошқармаларининг қўли гул бинокорлари, монтажчи, слесарь ва электриклари, ҳамма-ҳамма елкама-елка туриб ўз зиммасидаги вазифани муддатидан олдин адо этиш учун ҳаракат қилаяпти.

Анатолий Васильевич Патапов бизни 557-УНР га қарашли Александр Меселов бошлиқ бригада монтажчиларн ишлаётган участкага бошлайди. Ун кишининг барчаси шижоатда бир-биридан қолишмайди. Икки реактор, уч тегирмон ва транспортёрни муддатидан беш кун олдин фойдаланишга топширилади, ишга тахт қилиб қўйишибди, азаматлар. Пётр Букреев, Константин Тинчеров, Виктор Макаров каби пешқадамлар ҳамон мусобақада голиб. Смена нормаларини 120—130 процентга етказиб адо этишяпти, улар. Бригада аъзолари ҳозир буюмлар устидаги автомат-эшинчаларни монтаж қилишаяпти, агрегатлар олдига майдончалар ўрнатишаяпти.


— Бу ерда одамларнинг кўплигига ҳайрон бўлаётгандирсиз-лар, — дейди кулиб цех бошлиғи А. Патапов. — Эрта-индин уларни тополмайсиз. Цехимиз ишга тушгач, бутун процессни ҳар сменада фақатгина 4 киши бошқаради.

— Дастлабки маҳсулот олинадиган кунлар узоқ эмасми?

— Июнь ойи ичида бутун созлаш ишларини тугаллаймиз. Бунга барча имкониятлар бор. Июль ойида эса дастлабки юз тонна бўёқ ишлаб чиқарилади,— дейди ишонч билан ўртоқ А. Патапов.

Яна бир неча кундан кейин Тошкент лак-бўёқ заводи коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар қаторига силикат бўёқлари ҳам қўшилади ва корхона химиклари орзуси ушалади. Бу муваффақият бинокорлар ва завод ишчиларининг республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатига муносиб жавоби бўлади. Улар шу билан сермуғуш йўлимиз тўйига ўз тўёналарини тақдим этган бўладилар.

М. УМАРОВА,
Ж. НОСИРОВ.



Тошкент лак-бўёқ заводи территориясида қад кўтараётган силикат цехи яқин кунлар ичида фойдаланишга топширилади. 93-ихтисослашган трестга қарашли 557-УНР монтажчиларя цех қурилишида айниқса ғайрат қилишаяпти. Юқоридаги суратда: пешқадам монтажчилар А. Букреев (чапдан), В. Макаров ва Ю. Ершов ўртоқлар навбатдаги вазифаларни белгилаб олишаяпти. Пастдаги суратда эса янги қўлдан чиққан реакторни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотолари.

ЮБИЛЕЙ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ЗАКАЗЧИЛАР ВА ҚУРУВЧИЛАР ҲАМЖИҲАТ ИШЛАСИН

Штабда бир нафас жимлик йўқ. Гоҳ телефон жиринглайди, гоҳ прорablар, мастерлар кириб «иш битириб» кетишади. Бугун штабда участка комсомол ташкилотининг секретари, мастер Роман Қўлдошев — диспетчер, иш бошқаради.

— «200» маркали цементдан икки машина керак,— мастер Қодир Гумеров гўё бирон ёққа шошган кишидай хонага гапириб кириб келди.— Тезроқ берсангиз, бекор туриб қолмайлик.

Роман телефон трубкасини қўлга олди:

— Алло, электролит цехи штабидан гапиряпмиз. Бизга икки машина цемент юборинг. Ҳа, «200»дан бўлсин. Қараб қолдик, тезроқ.

Хонага тўладан келган, юзи қуёш нуридан пишган, ўрта ёшлардаги бир киши кирди.

— Ванналарни ўрнатиб бўлдик. Одамларимизни энди бошқа участкага ўтказсак ҳам бўлар.

Комсорг унинг сўзларини диққат билан тинглагач, таништирди:

— Илғор участкамиз прораби — Наби Бобохонов.

Наби Олмалиққа бундан 12 йил муқаддам, яъни шаҳар қурилиши энди бошланган кезларда келган экан. У кўпгина саноат объектларини тиклашда жон куйдириб ишлаган. Мана ҳозир, Иттифоқимизнинг турли чеккаларидан келган юрагида ўти бор йигит-қизлар билан ёнма-ён туриб, электролит цехини бунёд этаётир.

— Бу устунлар елкасида иккинчи қаватни кўтариб турипти,— изоҳ берди прораб.— Асосий иш ўша қаватда, юринглар чиқамиз.

Цехнинг бу қисми ишлаб чиқариш технологиясида етакчи ўринни эгаллайди. Асосий операциялар шу жойда амалга ошади.

Наби Бобохонов шу участкада фидокорлик кўрсатган ўнлаб илғор бинокорлар номини фахрланиш туйғуси билан тилга олди. Мана улар: коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган бригада раҳбари Павел Сабуров, бригада аъзоларидан Владимир Лебедев, Нурмат Очилов, Шавкат Межитов...

— Суянган тоғларимиз, булар,— қўшиб қўйди прораб.— Огирмизни енгил қилаётган шу азаматлар.

Цех биноси бўйлаб эритилган мум ҳиди анқийди. Кейин билсак, монтажчилар ванналарга мум суртиб, винепласт ёпиштиришаётган экан.

Барча қурилиш участкасида кураш кескин. Ҳув ана, шип остида дарахт шохларидек тарвақайлаб кетган темир панжаралар. Монтажчиларнинг довюраклигига қойил қоласан, киши! Улар шохдан-шохга сакраб ўтаётган қушлардек енгил ҳаракатда. Баландда «чирс-чирс» ёлқин чақнайди. Металл конструкцияларнинг сўнгги қисмлари пайвандланаяпти.

Машҳур монтажчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Зверев бошлиқ бригада аъзолари — К. Ҳамидулов, А. Андреев, Б. Дашко, Б. Ниёзқуловлар яна олдинги сафда. Биргина булар эмас, қаларверса, «Стальмонтаж»нинг бошқа вакиллари ҳам қурилиш-монтаж ишлари суръатини жадаллаштиришга озмунча ҳисса қўшаётганлари йўқ.

— Катта давон ошдик,— дейди Н. Бобохонов.— Цехнинг қурилиш қисми асосан тугалланди. Эндиги сўз монтажчиларга. Асбоб-ускуналар тезроқ ўрнатилса, цехни 20 июндан кечикмай ишга тушириш мумкин.

Мис заводи комплексига киradиган электролит цехини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун барча имкониятлар бор. Бинокорлар, монтажчилар ғайратшижоатга тўлиб-тошганлар. Лекин ҳар тўқисда бир айб деганларидек, бу объектда ҳам ишга тўсқинлик қилаётган жиддий нуқсонлар йўқ эмас. Бу гап аввало «Проммонтаж» ва «Электромонтаж» бошқармаларига тааллуқли. Мазкур бошқармаларнинг электролит цехи қурилишидаги ишидан бош пудратчи — 4-бошқарма бинокорлари

ЭЛЕКТРОЛИТ ЦЕХИ ҚУРИЛИШИДА: Катта давон ошилди. ◆ «Тошбақа қадам»лар ҳам йўқ эмас ◆ Заказчилар хотиржам.

□ □ □

Монтажчиларнинг довюраклигига қойил қоласан, киши! Улар шохдан-шохга сакраб ўтаётган қушлардек енгил ҳаракатда. Баландда «чирс-чирс» ёлқин чақнайди. Металл конструкцияларнинг сўнгги қисмлари пайвандланаяпти.

Машҳур монтажчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Зверев бошлиқ бригада аъзолари — К. Ҳамидулов, А. Андреев, Б. Дашко, Б. Ниёзқуловлар яна олдинги сафда. Биргина булар эмас, қаларверса, «Стальмонтаж»нинг бошқа вакиллари ҳам қурилиш-монтаж ишлари суръатини жадаллаштиришга озмунча ҳисса қўшаётганлари йўқ.

— Катта давон ошдик,— дейди Н. Бобохонов.— Цехнинг қурилиш қисми асосан тугалланди. Эндиги сўз монтажчиларга. Асбоб-ускуналар тезроқ ўрнатилса, цехни 20 июндан кечикмай ишга тушириш мумкин.

Мис заводи комплексига киradиган электролит цехини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун барча имкониятлар бор. Бинокорлар, монтажчилар ғайратшижоатга тўлиб-тошганлар. Лекин ҳар тўқисда бир айб деганларидек, бу объектда ҳам ишга тўсқинлик қилаётган жиддий нуқсонлар йўқ эмас. Бу гап аввало «Проммонтаж» ва «Электромонтаж» бошқармаларига тааллуқли. Мазкур бошқармаларнинг электролит цехи қурилишидаги ишидан бош пудратчи — 4-бошқарма бинокорлари

Мана, мисол. Ускуналар ўрнатиладиган жойларга пойдевор аллақачон тайёрлаб қўйилди. Шунга қарамай «Проммонтаж» (участка бошлиғи ўртоқ Прокопов) насос ва бакларга уланадиган трубаларни монтаж қилишни кечиктириб юбормоқда. Бусиз эса цех полини ётқизиб бўлмайди.

«Электромонтаж» (участка бошлиғи ўртоқ Дубровин) ишининг суръати ҳам кишини қаноатлантирмайди. Кабель ётқизиш, сим тортиш сингари ишларнинг ҳаддан ташқари кечикаётгандигига аввало шу ташкилот раҳбарлари айбдордирлар.

Бинокорлар ва монтажчилар цехни тезроқ қуриб битказиш ва жонажон республикамиз тўйига муносиб тортиқ ҳозирлаш иштиёқида белни маҳкам боғлаганлар. Лекин заказчи — Олтинтопган комбинати капитал қурилиш бошқармаси (бошлиғи Р. Озолин, бош инженери Б. Базанов ўртоқлар) негадир хотиржам, ҳеч шошилишмаяпти. Бинокорлар заказчилар асбоб-ускуналарни ўз вақтида етказиб бермаётганликларини айтишди. Стандарт ва ностандарт ускуналар келтириш графигига риоя қилинмаётир. Станок, кабель, сим, мотор ва бошқа ускуналарнинг келиши ниҳоятда кечикмоқда. Бу нарса ўз навбатида монтаж ишларининг ҳам судралишига сабаб бўлаётир.

Булар — тезроқ бартараф қилиш мумкин бўлган камчиликлар. Пудратчилар ҳам, заказчилар ҳам аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан ишлаб, шаҳар мис саноатида катта роль ўйнайдиган бу муҳим объектни муддатида ишга тушириш учун барча чораларни кўришлари зарур.

Т. МИРҲОДИЕВ,
Ш. УМУРЗОКОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.
Олмалиқ шаҳри.

МЕҲНАТДА ТОБЛАНГАН ЙИГИТ

Мусулмон Қулибоев ҳар қачонгидан ҳам хурсанд. Ахир у ҳазилакам ишни бажардими! Бир ойдан ортиқ бутун фикри-ёдини банд қилиб келган муаммони ҳал қилди. «П66-5м» маркали тўқув машинасининг шкивини пресс порошокдан тайёрлаш учун қолипнинг дастлабки нусхасини яратди. У сўнгги марта бутун диққат-эътиборини тўплаб қўлидаги мойга беланиб кетган бир даста чизмаларга, қумуйдай ялтираб турган қолипга вазмин тикилиб қолди. Ниҳоят ҳеч қандай камчилик тополмай, қолипнинг сифатли деталь бера олишга кўзи етиб, кўнгли жойига тушди-ю, мастерни қидириб кетди.

...«Таштекстильмаш» заводида химия мўъжизаларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Деталлар пластмассадан тайёрлана бошлаганидан буён асбобсозлик цехига янгидан-янги заказлар келмоқда. Шулардан энг катта ва мураккаби Қулибоев тайёрлаган қолип эди. Мусулмон тайёр бўлган қолипни мастерга топшираr экан, ўтган йили завод пластмассадан тайёрланган деталларнинг фақат 23 хилидангина 100 минг сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолганини эслади. Бу қолип ҳам қанчадан-қанча қимматбаҳо рангли металларни тежаб қолмайди, дейсиз.

... Қулибоевда слесарликка бўлган ҳавас болалигиданоқ бошланган эди. Шу мақсад кетидан бориб ёшлигида Самарқанддаги 16-махсус ҳунар билим юртига ўқишга кирди. Ниҳоят мактабдан ҳунар ўрганиб чиқиб, 1951 йили «Таштекстильмаш»нинг асбобсозлик цехига ишга кирди. Яхши слесарь бўлиб етишди. У камчиликларни ўз вақтида туғатиб, моҳир ишчилар тажрибасини ўрганди. Мусулмон оддий ўлчов асбобларини тайёрлашдан янги хилдаги мураккаб асбобларни ишлаб чиқаришга кўчди. Илғор ишчилар сафидан ўрин олди.

Мусулмон ҳозир 52 кишидан ташкил топган слесарлар бригадасига бошчилик қилмоқда. Унинг ишчилар билан умумий тил топиши, уларни ягона мақсад йўлида уюштиришга интилиши, ишчилар билан бир қозонда қайнай олиши туфайли 1961 йилдан буён ана шу коммунистик меҳнат бригадасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Меҳнатда тобланган йигит ҳозирданоқ етти йилликдан ўзиб кетди. Шу кунларда у 1966 йилнинг декабрь ойи ҳисобига меҳнат қилаяпти.

А. БАРАТОВА.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

АЭРОЗОЛГА ҚАРШИ ОВОЗ

Ленинградлик мутахассислар атмосферанинг аэрозоллар билан ифлосланишига қарши курашишнинг ажойиб янги усулини ишлаб чиқидилар. Улар аэрозоллар қаттиқ заррачалар ёки модда бўлакчаларидир. Улар цемент, минерал ўғит, ун, пигментлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда трубалардан отилиб чиқади ва ён-атрофнни ифлослантиради. Бу моддалар жуда ҳам кичик бўлиб, ҳатто уларни энг яхши фильтрлар ҳам тўла ушлаб қололмайди. Ҳар куни минглаб тонна ёниб тамом бўлмаган шундай қимматли модда ёқилғи трубаларидан учиб чиқиб кетади ва ҳавонинг ифлосланишига олиб келади.

Ленинградлаги институтда яратилган қурилма тебранишли акустик майдонда аэрозол моддаларнинг йўлини тўсади ва уларни бир-бирига бирлаштиради. Сўнг йириклашган аэрозоллар бункерга сочилиб тушади. Янги усул қўлланганда модда-ларнинг 99,5 процентн ушлаб қолинади. Қурилма соатига 10 минг кубометр ҳавони тозалай олади.

БАҲАЙБАТ КРАНЛАР


Свердловск. «Госмонтаж-спецстрой» механика заводига учта минора кранн тайёрлаб бериш вазифаси топширилди. Бу баҳайбат кранлар ҳар бирининг стреласи 5 тоннали конструкцияларни 52 метр баландликка чиқариб бераолади. Корхонада ишлаб чиқариладиган бундай баҳайбат кранлар турли қурилиш комплексларида фойдаланилади.

ХУШБЎЙ ҲИД ТАРАТУВЧИЛАР

Бу корхона цехларида ўзингизни хўшбўй гуллар орасида юргандек ҳис қиласиз. Бутун табиат гўзаллиги гўё шу ерда мужассамлашгандек. Конвейер лента устида тинмай оқиб келаётган духилар, атрлар кўзни қамаштиради. Қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар шу кеча-кундузда 60 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Машқура Ўрмонбекова ҳам, Ҳалима Ғуломова ҳам, ўртоқ С. Қосимова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ҳам зўр ғайрат қилмоқдалар. Бу пешқадамлар кунига нормадаги 10 ўрнига 14—15 минг шиша духини қўлдан чиқаришяпти.

Тошкент парфюмерия фабрикаси коллективи ҳамшаҳарлар уйини хушбўй ҳидларга тўлдириш, кишилар думогини чоғ қилиш мақсадида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу ерда биринчи квартал ва апрель ойи топшириқлари ортиғи билан адо этилди. Шу кунларда ҳамма бир жон-бир тан бўлиб республикамиз ва Ўзбекистон Компартияси юбилейига муносиб тўёна ҳозирламоқда.

Р. ТУРДИЕВА.



Коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси Тўлқин Расулматов сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда барчага ўрнак. У ишлаётган 2-цех коллективи социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Суратда: «Ташавтомаш» заводи ишчиси ўртоқ Т. Расулматов иш устида.

Т. Рўзиматов фотоси.

Саноат САҲИФАСИ



УМУРТҚА ОПЕРАЦИЯСИ

ХИРУРГ МИХАИЛ МАКАРОВ БУКУРНИ ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ МЕТОДИНИ ТОПДИ

Букур оғир умуртқа поғонаси сили касаллиги оқибатида вужудга келади. Яллиғланиш процесси натижасида айрим умуртқа суякларн бузилади. Улар ўрнида букур ҳосил бўлиб, унинг олди олинмаса ўсиб кетаверади. Умуртқа поғонасини тўғрилаш (мустаҳкамлаш) бир неча йилдан буён мамлакатимизда ва чет элда амалга ошириб келинмоқда. Умуртқа поғонасига суяк тўқимасидан ишланган ўзига хос шиналар — қўндаланг планкалар қўйилади. Лекин бу методнинг ўзи касални тузатмайди. Бу метод радикал даволашни бирга қўшиб олиб боришни ҳам талаб қилади.

1950 йилдан буён Ставрополь медицина институтининг ходими хирург Михаил Макаров букурни тузатишда ўз методини яратиш устида ишлаб келарди. Бу метод бузилган умуртқаларни хирургия йўли билан олиб ташлашдан иборат. Операция қилинаётганда бир вақтнинг ўзида яллиғланиш жараёнида йиғилган йирингларн ҳам олиб ташланади. Унинг ўрни стрептомицин билан ишланади. Техникавий жиҳатдан операция оддий, лекин шундай бўлса ҳам тажрибали хирург учун бу операция 3—4 соат вақт талаб қилади.

Тошкентдаги геология, газ ва нефть қидириш илмий текшириш институтида республикамиздаги янги газ ва нефть конларини қидириб топиш, ер қатламларини ўрганиш устида катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Суратда: институт директори, геология фанлари доктори ўртоқ **А. Акромхўжаев** бир группа ёш илмий ходимлар билан лаборатория анализи ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Бузилган умуртқа суяклари олиб ташлангандан сўнг умуртқа поғонаси тўғриланиб, суяк пластиналари билан мустаҳкамланади. Бу билан даволаш тугамайди. Операция тамом бўлиши билан бемор орқаси билан ётқизиб қўйилади. Уларни қурак суяги тагидан махсус тўқимадан ишланган тиргак кўтариб, туради. Бу тиргак секин-аста юқорига тортилиб, умуртқани асил ҳолига келтиради. Сўнгра врачлар даволаш гимнастикасини бошлайдилар. Беморлар умуртқани машқ қилдириш билан боғланган ҳаракатларни бажарадилар.

Беморлардан умуртқалар олиб ташлангач, баъзи қобирғалар ортиқча бўлиб қолади. Хирург лозим бўлса уларни ҳам олиб ташлаши мумкин. Баъзан қоматни хушбичим қилиш учун Михаил Макаров белни бузиб турадиган ўн иккинчи қовурғани ҳам олиб ташлайди.

Хирург Михаил Макаров букурни тузатиш юзасидан 13 та операция ўтказди. Бу операциянинг ҳаммаси муваффақиятли ўтди.

А. ВЕРЕТЕННИКОВ,
АПН мухбири.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

27 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Орбитада** — ёш техник (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 — **Телевизион янгиликлар.** 18.55 — **Қувноқ характер** (адабий эшиттириш). 19.20 — **Афғонистон** (мустақиллик кунининг 45 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм).

20.25 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.30 — **Ноднра** спектакли (Муқимий номли театрдан), танаффус вақтларида — **Телевизион янгиликлар ва Илғор пиллачилар рапорт берадилар** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.30 — **Мойдодир** (болалар учун фильм-балет). 19.50 — **Ёшлик тароналари** (адабий эшиттириш).

Рус тилида: 20.10 — **Медицина янгиликлари.** 20.30 — **Совет тасвирий санъати.** 21.00 — **Саратов химияси** (телевизион фильм). 21.20 — **Янги Болгария** (ҳужжатли фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/V да **Боғчасарой фонтани,** 28/V да **Травиата.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/V да **Нодира,** 28/V да **Зарафшон қизи.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 29, 30, 31/V кеч соат 8 яримда Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Қайсарлар (эрталаб соат 10 да), **Хўрланганлар** (1 ва 2-серия), кундуз ва кечқурун) — «ВАТАН».

Шайтон ва ўн насиҳат — «ИСКРА» (кеч соат 7 яримдан). НАВОИЙ номли (кеч 6-50 минутгача).

Антоша Рибкин — «ИСКРА» (кеч соат 7 гача).

Ёз бекор ўтди — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Жунгли — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Король Королю — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ё ҳаёт, ё мамот — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Хуана Гальо — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10 яримда)

Қон-қариндош — «ОКТЯБРЬ».

Икки яншанба — «ВАТАН», «ФЕСТИВАЛЬ».

Антоша Рибкин — КАФАНОВ номли.

Ўч плюс икки (кеч соат 9 да), **Жунгли** (кеч 10 яримда) — ТЕЛЬМАН номли.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28, 30, 31 майда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ ОРКЕСТРИ ВА СОЛИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: VI Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивали лауреати **Клара Жалилова,** филармония солистларидан **Фахриддин Умаров, Раима Ҳанимова, Дилбар Абдуллаева, Раҳим Бунигор, Убай Хўжаев** ва халқ чолғу оркестри қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ» ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРДАН

ҳовли ва кўчалардаги, уй, магазин ва муассасалардаги

ТАШҚИ ЧИРОҚЛАРНИ,

шунингдек бинолар ичидаги **ЧИРОҚЛАРНИ**

кун ёришн биланоқ

ўчиришни сўрайди

Ташқи чироқларни кундуз кунлари ёқиш ҳоллари кўрилган тақдирда, электр оғоҳ қилмасдан узиб қўйилади.

Максим Горький кўчаси, Давр проезд, 24-уйда турувчи **Тургуной Раимовна Ниёзованинг,** Мазурук кўчаси, 13-уйда турувчи Ислом Ниёзовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Калинин районидаги «Назарбек» совхозида турувчи **Абдухолиқ Назаровнинг** шу совхозда турувчи Қутби Назаровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

ҲУҚУҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳозир Оҳангарон шаҳрида техника прогресси, техника билимлари, соғлиқни сақлаш университетлари ишлаб турибди. Яқинда «Горняк» маданият саройида яна бир университет — ҳуқуқшунослик университети очилди. Бу университетга партия, совет ходимлари, инженер-техниклардан 500 тингловчи қатнайди. Университетнинг Партия-давлат контроли, давлат ва ҳуқуқ факультетлари бор.

Шаҳар халқ судьяси Р. Х. Мустафин университет ректори қилиб тайинланди. Дастлабки машғулотда Тошкент Давлат университетининг ўқитувчиси, юридик фанлари кандидати Н. А. Капустянский «Партия-давлат контролида Ленин принципларини тиклаш», ТошдУ доценти З. Р. Бовшовер «Меҳнат қонунчилиги» деган темада лекция ўқидилар.

И. АҲМЕДОВ.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ ИЧИНГ

Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғи пойтахтимиздаги энг сўлим, оромбахш жойлардан ҳисобланади. Кеч кириши билан бу ерга юзлаб шаҳарликлар дам олгани келишади. Боғ шанба ва якшанба кунлари айниқса гавжум бўлади.

Ёзнинг иссиқ кунларида сайр қилиб юриб, чарчаганингиздан кейин бир пиёла кўк чой ичишга нетсин. Боққа кираверишингизда ўнг томондаги чойхонада, уч-тўрт дўст билан чақчақлашиб чой ичиш, шахмат, домино ўйнашнинг ўзига яраша файзи бор. Қизил бурчакда эса янги газета ва журналлар ўқишингиз мумкин. Қорнингиз очган бўлса шу ернинг ўзида истаган миллий таомингизни истеъмол қилишингиз мумкин.

Октябрь ошхоналар трестига қарашли 14-ошхонанинг бу ердаги филиалида 10 дан ортиқ миллий таомлар тайёрланади. Қўли гул ошпазларнинг пиширган таомлари хўрраидаларга жуда-жуда манзур бўляпти. Тажрибали пазанда Маҳмуджон Мамадов тайёрлаган овқатларни есангиз ҳузур қиласиз.

Дам олгани бу сайргоҳга келганингизда сув ёқасидаги чойхонага ҳам кириб ўтинг. Анвар Сағдиев дамлаган чойнинг мазаси оғзингизда қолади, яна бир пиёла ичсам дейсиз.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

«ЎҒИЛ» ИНСТИТУТ САҲНАСИДА

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ташкил этилган драма-хор тўгараги қатнашчилари яқинда Ёқуб Хаимовнинг «Ўғил» номли асарини саҳналаштирдилар. Ўткир Тоиров раҳбарлигида саҳнада қўйилган бу асардаги Марямхола, Холдор, Тожихон, Оқил каби бош роллар-ни студентлардан З. Сигбатуллина, С. Иномжонов, Н. Нажимова, А. Шодмоновлар маҳорат билан ижро этишди.

Спектакль студент-томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди.

З. АСАДОВ.

ФУТБОЛ

„Б“ КЛАССИДА

Мамлакат биринчилиги учун «Б» классида куч синашаётган областимизнинг икки командаси навбатдаги учрашувларини ўтказдилар.

Чирчиқнинг «Химик» командаси Курган шаҳрида «Строитель» футболчилари билан учрашди. Меҳмонлар киритган ягона тўп учрашувни чирчиқликлар фойдасига ҳал қилди. «Химик» бу галаба билан турнир жадвалидаги аҳволини анча яхшилаб олди.

«Политотдел» колхозининг футболчилари мавсумда биринчи маглубиятга учрадилар. Улар Каменск-Уралскда маҳаллий «Салют» командасидан 0:2 ҳисобида енгилдилар.

РСФСР 5-зонасида қатнашаётган Андижон, Самарқанд ва Фарғона футболчилари ҳам учрашувни сафарда ўтказдилар. Андижон спартанчилари Уфада «Строитель»дан 0:1 ҳисобида маглубиятга учрадилар. Самарқандниинг «Спартак» командаси билан Магнитогорскнинг «Металлург» спортчилари учрашувида командалар дарвозаларига биттадан тўп киритилди. «Нефтяник» (Фарғона) — «Локомотив» (Оренбург) матчида ҳисоб очилмади.

5 турдан кейин Фарғонанинг «Нефтяник» командаси 9 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

КИЧИК ҲИКОЯЛАР

ШАЙДОЙИ

Билмадим, ишонасизми йўқми, лекин мен ягона пайтида юлиниган гўзаларни гул ўрнида тувакка солиб, тонгда очилган анвойи гулларни томоша қилгандек беришиб томоша қиладиган, тўйиб-тўйиб ҳидлайдиган одамни ўз кўзим билан кўрдим. Йўқ, яхшиси ҳаммасини бошидан гапириб бераколай.

Нима иш биландир бош врачнинг хонасига кирган эдим. Кимсанжон Ҳаққуловичнинг паст бўйли, миқтидан келган 40 ёшлардаги бир кишига жеркиб-жеркиб гапираётганининг устидан чиқиб қолдим.

— Нега ўз вақтида келмайсиз, нега энди?— дерди врач бўғилиб.

— Айтдимку, айни парвариш бошланган палла деб...

— Орқангиздан бир эмас, тўрт марта машина юборсам-а.

— Ҳеч бўлмаса яна икки кун муҳлат беринг,— нотаниш киши ўрнидан туриб қўлида ўйнаб ўтирган чуст нусха дўпписини секин бошига киёди.

— Ярим соатга ҳам муҳлат йўқ, қайсарлик қилсангиз устингиздан парткомга арз қиламан.

Парткомнинг дарагини эшитиб нотаниш киши бўшашганча, ўрнига ўтирди. Ярим соатлардан сўнг уни кийинтириб бизнинг палатамизга олиб киришди. Ўша заҳотиёқ танишиб олдик, бригада бошлиги бўлиб ишларкан, қон босими ошиб кетибди. Баҳорда ётқизишганда тепасида турмасам квадратни бузиб қўйишади деб касалхонадан қочиб кетибди. Шундан бўён тўтқич бермай юрган экан, бугун бош врач уни мажбуран олиб келибди.

— Миянгиз оғрийдими,— деб сўрадим.

— Бошим қалпоқ кийгандек вазмин — деди Сирожиддин ака.

— Касалнинг олдини олган яхши-да,— деб қўйдим мен ҳам.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўша кундан бошлаб палатамиз дала шийпонига айланди қолди. Звено бошлиги кетиши билан табелчи келади, табелчи кўзголди дегунча хонамизга ассалому алайкум деб универсалчи кириб келади. Ғўза ҳақида кўп гап бўлди. Гўё Сирожиддин ака ҳар бир туп гўзасини ҳисобга олиб турибида кўриб ётганга ўхшайди. Гоҳо палов ердан, палов эгатдан бир тупдан нишона олиб келишлар деб тайинлайди. Холи қолгач, келтирилган «гул дасталарга узоқ тикилади, томирларини чайнаб кўради, тўйиб-тўйиб ҳидлайди. Кейин сув қўйилган шиша банкага солатуриб.

— Қаранг, бу йил гўзаларимиз қандай соғлом ўсаяпти-я,— дейди нашъа қилгандек кўзларини сузиб,— қаранг қандай чиройли, худди лоланинг ўзи-я!...

Ўн биринчи куни кечга томон ёмғир ургандан уриб берди, шунақанги қуйдики, асти қўяверасиз. Сирожиддин ака афвойи тамом бўлди, дераза ёнига боради, койкага ўтиради, уҳ тортади, хуллас қафасга қамалган шердай бетоқат бўлди қолди.

— Чатоқ бўлди, жудаям чатоқ бўлди-да,— дейди у кафти билан дераза ойнасини артиб,— бугун кечаси албатта сел келади.

— Ахир одамларингизга қилинадиган ишларни тайинлаб қўйдингизку!—деймиз уни тинчлантирмоқчи бўлиб.

— Барибир боришим керак!

Жавоб сўраб икки марта доктор нинг олдига кириб чиқди. Ҳар гал кирганида Кимсанжон Ҳаққулович қўлидан етаклаб койкасига ўтқазиб кетади. Кечки овқатга қистаган эдик, Сирожиддин ака афвойи тамом бўлди, дераза ёнига боради, койкага ўтиради, уҳ тортади, хуллас қафасга қамалган шердай бетоқат бўлди қолди.

— Шайдойи кетиб қолибди-ку —деди беморлардан бири ачиниб.

— Занжирлаб бойлаб қўйишганда ҳам барибир турмасди,— деди бошқаси.

Сирожиддин ака тонг палласида гуноҳкорона жилмайганча кириб келди; қийилари ҳўл, шалаббо. Ўзи эса рақибини енгган паҳлавондек мамнун эди.

— Сезишмадими?— деди у ширвирлаб.

— Йўқ, ҳеч ким сезмади — дедик биз ҳам паст овоз билан.

Бригадир ўрнига ётиб, хотиржам уйқуга кетди.

МАЪСУДА

Тўғрини қишлоқ касалхонасида ётибмиз, ростини айтсам, касалимиз унчалик оғир эмас. Гоҳо кун бўйи футболдан бахслашамиз, гоҳо ёнбошлашиб олиб доктор ларнинг тажрибасидан тушиб, охирини халқаро аҳволга улаб юборамиз. Лекин мана уч-тўрт кун бўлиб қолдики ҳаммира Маъсуда тилимиздан тушмай қолди, уни жинимиздан ҳам бадтар ёмон кўриб қолдик. Қотмадан келган, бўғдойранг, узоқдан қарасангиз лолақизғалдоққа ўхшаб кетадиган бу қизнинг юзидан чакиллаб заҳар томай дейди, бошқа ҳамшираларга ўхшаб на кулишни, на кулдиришни билади. Ўзини шунақанги жиддий тутадики, яқинингга келиши билан беихтиёр уҳ тортиб юборасан киши. Ҳамшира дегани сал қувноқроқ бўлгани дуруст экан.

Тракторчи Азимжон бош чайқаб:

— Бу қизга уйланган йигит бир ҳафтада тарс ёрилиб кетади, —деб қўйди секингина.

— Тўғри айтасан,— дейди бошқа бемор.

— Бунақа қиз билан томошага ҳам бориб бўлмайди, — дейди учинчи бемор.

Бисотимиздаги ана шунга ўхшаш нордон сўзларни ишга солиб гапирганимиз гапирган. Лекин тўсатдан бир воқеа юз бердию ҳаммамиз хижолатда қолдик. Ярим кечада аварияга учраган экскаваторчи Абдулатиф деган йигитни олиб келишди. Қон кўп кетганидан бечора аллақачон ҳушидан кетган, энг ёмони кўлидан, оёғидан тўхтамай қонаётган экан. Ўша ёқда турар жойи касалхонанинг шундоққина ёнгинасида эдими, иш қилиб, тўғридан пайдо бўлиб қолди. Бу гал унинг жиддийлигидан асар ҳам кўрмадим. Қаттиқ ҳаяжонланганидан ҳовлиқиб, энтикарди.

— Мана, менинг қоним оловой, менки оловой,— деди у қабулхонага кириши билан билагини очиб.

Кейин нима бўлганини билмайман. Ухлаб қолибман. Эрталаб Абдулатифдан ҳол сўрагани кирдик. Ҳаммаёги оппоқ бинт билан ўралган бу йигит бир неча соат аввал ўлим тўшагида ётувди, ҳаёт билан видолашувига оз қолганди. Мана энди кўргани келган жондан ширин фарзандларини ёнига олиб, сўзлашиб ётибди.

— Юр, энди Маъсудани ҳам кўриб чиқайлик, —деди Азимжон секин туртиб,— аҳволи анча оғир дейишяпти... Ухлаб қолиб ҳеч нарсани сезмадинг. Бечора қиз икки марта қон берди-я... Ўзи донор экан, кундузи районга ҳам бориб қон бериб келган экан...

Ранги докадек оқариб кетган Маъсуда ҳамширалар хонасида ҳолсиз ётарди. Турмоқчи бўлиб кўзгалди-ю, бошини кўтаролмади. Боқишлари ҳамон сокин, жиддий, гурурли эди. Мен, негадир хижолат бўлиб кетдим ва:

— Тузукмисиз?— дедим шошапиша.

— Раҳмат!— пичирлади қиз.

Палатага қайтиб кирган анча маҳалгача ўзимга келолмадим. Ҳаммамиз ҳам Маъсуда ҳақида, Маъсуда ҳақида ўйлардик.

Жимликни яна Азимжон бузди.

— Бахти бор йигит уйланади бу қизга!— деди у дераза орқали боғдаги майсаларга кўз ташлаб.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ.



Ватанимизнинг содиқ фарзандлари — барча миллат вакиллари ерда ҳам, денгизда ҳам, ҳавода ҳам, чегарамизни хушёрлик билан қўриқлаб турипгилар.

Суратда: Н-қисмининг посбонлари чегарани қўриқлаш учун жўнаб кетмоқдалар.

Ю. Муравин фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ҲАМИША СЕРГАК

Генерал-майор Григорий ЗАБОЛОТНИЙ,
чегара қўшинлари сиёсий бошқармасининг бошлиғи

□ □ □

28 май — Совет чегарачилари куни. СССР чегараларининг содиқ соқчилари ўз байрамини ҳар вақтдагидек жанговар постда туриб ўтказадилар. Улар Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти жангчилари билан елкама-елка туриб халқнинг тинч меҳнатини ҳушёрлик билан сақлайдилар. Чегара нарядлари туну-кун демай, ҳар қандай об-ҳаво шароитида муздек қутб осмони тагида ва қизиган саҳро қумларида, денгиз қирғоқларида ва осмону фалакда вахтада турадилар.

I

Коммунистик партия ташкил қилган ва тарбиялаган чегара қўшинлари шонли йўлни босиб ўтдилар. 46 йил давомида улар минглаб душман айғоқчиларини ушлаб қўлга олдилар, империалистик разведкаларнинг кўп найрангларини пучга чиқардилар. Фашист германияси ва империалистик Япония устидан қозонилган улуғ ғалабада ҳам уларнинг жанговар меҳнати ҳиссаси бор. Совет Армияси қўшинлари составида чегара қисмлари Киев ва Севастополь, Ленинград ва Одессани қаҳрамонона мудофаа қилишда қатнашдилар. Волгада, Курск яқинида жанг қилдилар, душманни Варшава, Прага, Берлин ва Узоқ Шарқ да яксон этдилар. Чегара кемалари душман кемаларини чўктирди. Болтиқ денгизи, Қора денгиз ва Тинч океанда денгиз десантларини туширишда қатнашди. Ватан чегарачиларнинг ўтган уруш йилларида кўрсатган ҳарбий хизматларини юксак баҳолади. 13 мингдан ортиқ солдат ва офицерлар ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди, энг жасур юз чегарачи Совет Иттифоқи қаҳрамони номини олди.

II

Иккинчи жаҳон урушидан кейин совет чегараларидаги аҳволи тубдан ўзгарди. Эндиликда минглаб километрда биз билан социалистик мамлакатлар қўшничилик қилмоқда. Бу мамлакатлар билан чегарамиз қардошларча бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик чегараси бўлиб қолди.

Совет чегарачилари бу дўстлик билан фахрланадилар. Кейинги вақтларда Польша, Венгрия, Чехословакия чегарачилари делегацияларн бизга меҳмон бўлиб келишди. Болгария чегараларидан бирига Совет Иттифоқи Қаҳрамони чегарачи Алексей Лопатинниинг номи берилганлиги, бизнинг чегараларимиздан бирига Болгария Халқ Республикасининг қаҳрамон чегарачиси Петр Илиев номи берилганлиги болгар ва совет чегарачилари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстликнинг белгисидир.

Совет ҳукуматининг тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун тинмай олиб бораётган кураш, территория жанжаллари ва чегара масалаларини ҳал қилишда куч ишлатишни тақиқловчи халқаро шартнома тузиш ҳақида Н. С. Хрушчевнинг давлат ва ҳукуматлар бошлиқларига юборган мактуби қўшни капиталистик давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга ҳам яхши таъсир кўрсатди.

Суверенитет ва миллий манфаатларни ўзаро ҳурматлаш асосида кейинги вақтларда Туркия, Эрон ва Афғонистон билан чегара масалалари ҳал қилинди. СССР ва Финляндия ўртасидаги бир-бирини ҳурматлаш ва дўстлик руҳи совет-фин чегара муносабатларига ҳам ёйилди. Иккала давлат ўрта сидаги шартномага мувофиқ фин ишчилари совет территориясида қурилиш ишлари олиб бормоқдалар. Улар ҳозиргача 3 та гидроэлектростанция қуриб бердилар.

Паатсо-Поки чегара дарёси гидроресурсларидан биргалашиб фойдаланиш ишидаги СССРнинг Норвегия билан ҳамкорлиги ҳам чегарадош иккита давлат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларига мисол бўла олади.

III

Совет чегарачилари ўзлари босиб ўтган шонли жанговар йўлнинг 47-йилига чиниққан, катта тажриба орттирган ҳолда кириб келмоқдалар. Улар хизматни хушёр туриб ўташга қатъий бел боғлашган. Душман ҳар қанча найранг ишлатмасин, у қандай методларни қўлламасин чегарачиларимизни алдаёлмайди.

...Ўтган йили чегаранинг бир участкасида застава бошлиғи капитан Астафьев, оддий солдатлар Жиглов ва Войт ажойиб жасорат кўрсатдилар. Қуролли диверсантлар билан тўқнашиб улар душманни яксон қилдилар. Бир неча ой ўтгач душман яна шу участкада давлат чегарасини бузишга уринди. Уларни яна чегарачилар қарши олдилар. Бу сафар лейтенант Воробьев, младший сержант Котин, ефрейтор Васильев ва оддий солдат Абдужабборов диверсантларнинг йўлини тўсишди. Дарё ёқасида бўлган қисқа муддатли олишувдан сўнг душманлар қўлга олинди. Улардан олтин, қимматбаҳо буюмлар, чет эл пуллари топиб олинди.

IV

Чегарачилар куни арафасида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, урушдан кейинги йилларда чегара қўшинлари билан совет мамлакатининг чегара районларидаги аҳоли ўртасида дўстлик янада мустаҳкамланди. Чегарачиларга ёрдам беришнинг кўнгилли халқ дружиналари ва чегарачиларнинг ёш дўстлари отрядлари қабн ажойиб формалари вужудга келди. Ўтган йили барча чегара қоидасини бузувчиларнинг 20 процентдан ортиғини улар ушлаб бердилар. Масалан, Қирғизистондаги Карл Маркс номли колхоз чўпони мард аёл Ойша Жойноқова 9 бузғунчини тутиб берди. Ў баланд тоғдаги ялғогда ёлғиз турарди. Чегарани бузиб ўтган кишилар орқа томонимизга ўтиб олиш учун йўл кўрсатишни ундан илтимос қилишди. Жойноқова бунга рози бўлди. Ўттиз даража совуқда бу аёл 18 километр йўлни яёв босиб ўтиб, бузғунчиларни... тўғри заставага олиб келди.

Ватан совет чегарачиларини масъулиятли участкага ишониб қўйган. Чегарачи қўшинлар бу юксак ишонч билан фахрланадилар ва уни шараф билан оқлашга ҳаракат қиладилар. (АПН).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Базанинг адрес: Тошкент, Навоий кўчаси, 28-уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05586. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1762.